БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 42 (789) | 27 февраль, чоршанба, 1957 йил. | Баҳоси 20 тийин.

Ёш коммунистлар билан ишлаш—муҳим вазифа

Коммунистик партия халқ ишига, партия ишига содиқ бўлган кўпмиллионли кадрлар армиясини тарбиялаб етиштирди. Улар ҳўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида партия ва ҳукуматимиз топшириқларини садоқат билан бажармоқдалар, халқ оммасининг ижодий ғайрат ва ташаббусини партиямиз XX съезди томонидан белгиланган коммунизм қурилишининг буюк вазифаларини амалга оширишга сафарбар этмоқдалар.

Улуғ Ленин ташкил этган ва тарбиялаб вояга етказган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси бўлиш улуғ ва шарафлидир.

Коммунистик партия В. И. Ленининг партиянинг кучи, даставвал, унинг аъзоларининг сонида эмас, балки сифатида деган кўрсатмасига амал қилиб, ўз сафларининг монолит бирлиги учун ва сифати учун систематик равишда курашиб келмоқда. Партиямизнинг монолит бирлиги — партия куч ва қудратининг, барча ғалабаларимизнинг гаровидир. Партия сафлари бирлигини мустаҳкамлаш, партияни сифат жиҳатидан янада яхшилашда ёш коммунистлар билан, айниқса партия аъзолигига кандидатлар билан ишлаш катта аҳамиятга эгадир.

КПСС XX съезди коммунистлар билан, айниқса партия аъзолигига кандидатлар билан ишлаш, уларнинг сиёсий онгини ва меҳнат малакасини тинмай ошириш, уларга партия қаётининг бой тажрибасини ва ленинча нормаларини чуқур ўрганиб олишларига ёрдам бериш партия ташкилотларининг муҳим вазифаси эканлигини алоҳида уқтириб кўрсатди. Партия ташкилотлари КПСС XX съезди қарорларини амалга ошира бориб, бу соҳада анчагина ишлар қилдилар. Партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинган коммунистлар ўртасида кенг сиёсий-тарбиявий ишлар олиб борилди. Ёш коммунистларга топшириқлар бериш ва бу топшириқларнинг ижросини текшириш, уларнинг сиёсий билим даражасини ошириш, партия маорифининг хилма-хил тармоқларига жалб этиш, партия йиғилишларида актив иштирок этишига ёрдам бериш партия ташкилотларининг асосий диққат марказида бўлди. Бу эса КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинган ёш коммунистларга партия программаси ва Устави билан, партия қаётининг ленинча нормалари ва демократик централизм принциплари билан кенг танишиш имкониятини берди. Шунингдек, бундай тадбирлар ҳар бир партия ташкилотига партия аъзолигига кандидат қилиб олинган коммунистнинг иш фаолияти, қобилияти, шахсий характер ва хусусияти, КПСС аъзолигига лойиқ ёки лойиқ эмаслигини, шахсий сифатларини синаб кўришга ёрдам берди.

Ёш коммунистлар билан ишлаш масаласида Тошкент шаҳар Ленин район партия комитетининг иш фаолияти айниқса диққатга сазовордир. Район партия комитети ҳар бир бошланғич партия ташкилотида ёш коммунистлар билан, КПСС аъзолигига кандидатлар билан ишлашни янада яхшилаш учун улар билан систематик иш олиб борди. Масалан, «Подъёмник» заводи партия ташкилоти партия аъзолигига кандидатлар билан ишлашда энг орқада қолиб келмоқда эди. Район партия комитети завод партия ташкилотининг КПСС аъзолигига кандидатлар билан ишлашдаги фаолиятини муҳокама қилди. Ҳар бир коммунист билан алоҳида-алоҳида суҳбат ўтказилди. Ёш коммунистлардан ўн кишининг кандидатлик стажи яна узайтирилди ва аниқ муддат белгиланди. Шунингдек, Каганович номли паровоз-вагон ремонт заводида, канап-йигирув фабрикасида ҳам партия аъзолигига кандидатлар билан ишлаш масаласи кенг муҳокама қилиниб, амалий тадбирлар белгиланди. Ҳозирги вақтда район партия ташкилотининг олиб борган катта сиёсий-тарбиявий ишлари натижасида КПСС аъзолигига кандидатлар билан ишлаш яхшиланди.

Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, баъзи бир район партия комитетлари бу соҳада етарли иш олиб бормаётирлар. Ёш коммунистлар билан, айниқса партия аъзолигига кандидатлар билан ишлашдаги камчиликлар партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларнинг бўшашиб кетганлиги орқасида рўй бермоқда. Районларда ва шаҳарларда бўлиб ўтган партия конференциялари ёш коммунистлар билан ишлаш, улар ўртасида систематик равишда сиёсий-тарбиявий ишларни олиб бориш партия ташкилотларининг асосий диққат марказида туриши керак, деб кўрсатди ҳамда бу соҳада камчиликларни танқид ва ўз-ўзини танқид асосида очиб ташлади.

Бекобод район партия комитетининг партия аъзолигига кандидатлар билан ишлаш соҳасидаги фаолияти айниқса танқидга сазовордир. Район партия ташкилотларида кандидатлик стажи 3-4 йил, ҳатто ундан ҳам ошиб кетган коммунистлар бор. Жумладан, 1-«Далварзин» совхозининг бригада бошлиғи Т. Отабоев 1946 йилда, 3-МТСнинг бош агрономи Т. Ортиқов 1954 йилда, 1-МТСнинг шофери П. Сорокин 1955 йил апрелда КПСС аъзолигига кандидат қилиб қабул қилинган эдилар. Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари уларни партия аъзолигига қабул қилиш ёки қабул қилмаслик масаласини шу вақтга қадар ҳал қилмаётирлар. Район партия комитети кандидатларнинг стажи нима учун чўзилиб кетганлиги сабабларини чуқур текширмаётир ва уларнинг партия аъзолигига ўтишлари учун зарур бўлган керакли ёрдамни кўрсатмаётир. Райондаги бошланғич партия ташкилотлари коммунистларнинг ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ишини, уларни фақат сиёсий тўғарақ ва мактабларга жалб қилишдангина иборат деб биладилар. Ёш коммунистларнинг ўз устида қандай ишлаётганлиги, партия қаётида қандай қатнашаётганлиги, кандидатлик стажини қандай ўтаётганлиги, борилган партия топшириғини қандай бажараётганлиги билан етарли шуғулланилмаётир.

Вазифа — партия аъзолигига кандидатлар билан систематик равишда иш олиб бориш, уларни жамоат ишларига актив жалб этиш, ёш коммунистларнинг ғоявий-сиёсий жиҳатдан ўсишига, онгли, жанговар ва етук коммунист бўлиб етишишига яқиндан ёрдам беришдан иборат.

Партия аъзолигига кандидатларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашда партия йиғилиши катта роль ўйнайди. Чунки партия йиғилиши коммунистларни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш мактабидир. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, баъзи бир бошланғич партия ташкилотларида партия йиғилишларининг роли пасайиб кетган. Кўпинча район партия комитети томонидан тавсия қилинган масалаларнигина муҳокама қилиш одат тусига кириб қолган. Партия ташкилотларининг партиявий-ташкилий ва ғоявий-сиёсий ишларига доир масалалар, партия аъзолигига кандидатлар билан ишлаш масалалари кўпинча умумий йиғилишда муҳокама қилинмайди. Вазифа — партия йиғилишларининг ролини янада оширишдан, йиғилишларда янги ижодий фикрларни кўпроқ кўтариб чиқишдан, партия йиғилишларида ёш коммунистларнинг актив иштирок этишини таъминлашдан, партия йиғилишларини ҳақиқий тарбия мактабига айлантиришдан иборат.

Партия аъзолигига кандидатларни КПСС аъзолигига тарбиялаб етиштириш барча партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир. КПСС аъзолигига кандидатлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни ҳар тарафлама кучайтириб, уларнинг сиёсий билим даражасини кўтариш, уларга саноат ва қишлоқ ҳўжалигининг конкрет экономикасини пухта ўрганиб олишларига яқиндан ёрдам бермоқ керак. Шунга эришмоқ керакки, ҳар бир ёш коммунист партиянинг қарорларини амалга ошириш учун тинмай кураш олиб борадиган бўлсин.

Меҳнатда ўрнак кўрсатиш, ўз ишининг техникасини эгаллаш, ўзининг ишлаб чиқариш, иш малакасини узлуксиз равишда ошириш ҳар бир коммунистнинг бурчидир.

Коммунизм қурувчи ёш авлодни тарбиялаб етиштириш, уларни партиямиз қарорларини амалга оширишда актив курашчига айлантириш КПСС XX съезди томонидан қўйилган коммунизм қурилишининг буюк вазифаларини муваффақият билан амалга оширишда ёрдам беради.

СОВЕТ ИТТИФОҚИДА



Ленинград. В. И. Ленин номидаги Нева машинасозлик заводининг коллективи шу йил январь ойида корхонанинг ташкил этилганига 100 йил тўлган кунни нишонлади. Совет даврида бу ерда паровозлар, буғ турбиналари, компрессорлар ишлаб чиқарилди ва янги гидроэлектростанциялар учун гидровлик турбин деталлари тайёрланди. Коллектив фақат урушдан кейинги йиллар ичидагина компрессор машиналарининг 80 дан ортиқ янги турларини тайёрлади. **Суратда:** 6-механика-йиғув цехида. Ёш токарлардан **В. Д. Шматов** (ўнгдан) ва **Г. И. Захаревич** катта токарлик станогида муҳим станокнинг дискасини тайёрламоқдалар.

В. Федосеев фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

* * *

Иттифоқчи республикалар Фанлар академияларининг ҳамкорлиги

25 февралда Москвада иттифоқчи республикалар Фанлар академияларининг ва СССР Фанлар академияси филиалларининг илмий фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг сессияси очилди.

Кенгаш раиси СССР Фанлар академиясининг президенти академик А. Н. Несмеянов кириш нутқи сўзлаб, республикалар академияларининг фан соҳасидаги асосий проблемаларни ишлаб чиқишда эришган энг муҳим муваффақиятларини характерлаб берди.

Шундан кейин иттифоқчи республикалар фанлар академиялари президентларининг олтинчи беш йиллиқдаги тадқиқотларнинг асосий йўлларига, шунингдек республикалар академияларининг энг катта ишларини мувофиқлаштиришга бағишланган докладлари муҳокама қилинди. (ТАСС).

СОВЕТ ГРУЗИЯСИНИНГ 36 ЙИЛЛИГИ

ТБИЛИСИ, 25 февраль. (ТАСС). Республика меҳнаткашлари бугун шонли кунни — Грузияда Совет ҳокимияти ўрнатилган куннинг 36 йиллигини нишонладилар.

Опера ва балет театрида меҳнаткашлар депутатлари Тбилиси шаҳар Советининг партия ва жамоат ташкилотлари ҳамда аскарий қисмлар вакиллари билан биргаликдаги тантанали мажлиси бўлди. Грузия КП Марказий Комитетининг секретари Д. В. Мчедлишвили доклад қилди.

Докладчи совет ҳокимияти ўрнатилганидан бери ўтган 36 йил ичида республика меҳнаткашлари Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида ажойиб муваффақиятларга эришганликлари тўғрисида гапирди. Совет ҳокимияти йилларида Грузия халқ ҳўжалигига 27 миллиард сўм маблағ сарфланган.

Гўшт етиштириш икки ҳисса кўпайтирилмоқда

ФРУНЗЕ, (ТАСС). Қирғизистондаги деярлик ҳар бир совхозда чўчқаларни бутун йил давомида семиртириб боқиш биринчи марта кенг практика қилиб кўрилмоқда. Ҳўжаликлар ўтган йилдагига қараганда икки ҳисса кўп чўчқа гўшти бердилар. «Чалдовар», «Сухой-Хребет», «Кегети» совхозлари молларни семиртириб боқишни яхши ташкил этишда намуна бўлдилар. Бу совхозларда молларни қуруқ озуқа билан боқишни жорий қилдилар, сайхон майдончалари бўлган иссиқ ёпиқ бинолар қурдилар. Бу тадбир фермаларда хизмат қилувчи ходимларни икки ҳисса камайтириш ва ҳар бир молнинг бир суткада ўрта миқдорда 350-400 грамм семиришига эришиш имкониятини берди.

СССР Олий Совети сессиясида ўртоқ А. Г. Зверев қилган докладнинг тексти брошюра қилиниб нашр этилди

Давлат сиёсий адабиёт нашриёти СССР молия министри А. Г. Зверевнинг «СССРнинг 1957 йилги давлат бюджети тўғрисида ва СССРнинг 1955 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисида» СССР тўртинчи чақириқ Олий Советининг олтинчи сессиясида қилган доклади ва охирги сўзи текстини брошюра қилиб нашр этди.

Брошюрага Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 1957 йилги давлат бюджети тўғрисидаги қонуннинг тексти ҳам киритилган.

Брошюра кўп нусхада нашр этилди. (ТАСС).

Совет Иттифоқидаги ҳамма шахтерларга ва шахта қурувчиларига

Азиз ўртоқлар! Севикли Ватанимиз қатъий юксалиш йўлидан бормоқда. Бутун совет халқи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съезднинг тарихий қарорларини амалга оширмоқ учун зўр ғайрат билан курашмоқда. Халқ ҳўжалиги тобора кўпроқ ривожланмоқда, меҳнаткашларнинг турмуш шароити яхшиланмоқда, давлатимизнинг қудрати мустаҳкамланмоқда.

Олтинчи беш йилликнинг биринчи йили муваффақиятли равишда тугалланди. Бутун социалистик ҳўжаликнинг негизи бўлган оғир саноат янада ривожланиш ва техникани тараққий эттириш йўлида олға томон янги катта қадам қўйди. Ҳозир мамлакатда анча кўп кўмир чиқарилмоқда, кўп металл, машиналар, электр қуввати, халқ истеъмоли моллари ва маҳсулотнинг бошқа турлари ишлаб чиқарилмоқда.

Партиямиз бутун совет халқининг актив ёрдами билан мамлакат қишлоқ ҳўжалигини янада юксалтирмоқ учун зўр бериб курашиб келди ва курашмоқда. Партиянинг иродаси билан очилган бепоён қўриқ ерларда бутдойдан мўл ҳосил етиштирилди. Давлат омборларига ҳеч қачон ўтган йилгидек кўп галла тушмаган эди. Мамлакат анча кўп сут, гўшт, сабзавот ва картошка олди.

Совет халқи саноат ва қишлоқ ҳўжалигида эришилган муваффақиятларни катта қурсандчилик ва ватанпарварлик ифтиҳори билан кутиб олди. Бу муваффақиятларни қўлга киритмоқ учун Донбасс шахтёрлари ҳам бирталай меҳнат сарф қилдилар. Жонажонимиз Ильич айтганидек, кўмиқ саноатнинг чинакам нонидир. Барқ уриб ривожланиб бораётган социалистик ҳўжаликка ёқилғи тобора кўпроқ керак бўлмоқда. Шахтёрлар Ватан олдидаги ўз бурчларини бажармоқ учун кучларини аямайдилар.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорлари Ватан экономикасини ва қудратини мустаҳкамлаб, бутун халқимизнинг фаровонлигини яхшилаш тўғрисида Коммунистик партия ва Совет ҳукумати муттасил ғамхўрлик қилиб келаётганлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларини муваффақиятли бажариш йўлида олиб бораётган умумхалқ курашига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшмоқ учун кўмир чиқаришни анча кўпайтириш ,шахталар, қурилишлар ишидаги камчиликларни тугатиш, техникадан яхшироқ фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, кўмирнинг ва қурилиш ишларининг сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш, ҳўжаликка раҳбарлик қилишнинг ҳамда корхоналарда ва қурилишларда планлаштиришни яхшилаш зарурлигини тушунамиз.

Ўтган йил биз, Донбасс шахтерлари катта қийинчиликларни енгиб ишладик. Бу ишда бизга партия ва ҳукумат бебаҳо ёрдам кўрсатдилар.

СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитети Украина ССРда кўмир саноатини ва шахталар қурилишини янада ривожлантиришнинг кечиктириб бўлмайдиган тадбирлари тўғрисида чиқарган қарорларида шахталардан кўпроқ кўмир чиқариб бермоқ учун, шахтерларнинг меҳнатини енгиллаштирмоқ, бу меҳнатнинг унумдорлигини оширмоқ, кончиларнинг иш ҳақлари кўпайиб боришини таъминламоқ учун шахталар ишини қай тариқа қайтадан қуриш кераклигини кўрсатиб бердилар.

Партия ва ҳукуматнинг Донбасс кончилари тўғрисида оталарча қилаётган ғамхўрлиги берган дастлабки самаралардан мамлакат ҳозир баҳраманд бўлмоқда. Шахтерлар бу ғамхўрликка жавобан меҳнат соҳасидаги ўз ғайратларини яна ошириб юбордилар ва шу сабабли ўтган йилнинг IV кварталида Донбассдаги шахталарнинг деярлик ҳаммаси кўмир чиқаришни кўпайтириб юборди. Донбасс шахта қурувчи ташкилотлар ҳам ўз ишларини яхшиладилар.

Бу йил бизнинг олдимизда тағин ҳам мураккаброқ ва масъулиятлироқ вазифалар турибди. **Донбасс кўмир чиқаришни 10 процент кўпайтириши лозим, бу эса 12 миллион тонна кўмирни ташкил этади. 75 та янги шахта ва 10 та бойитиш фабрикаси қуриш ва уларни ишга туширишкерак.** Украина комсомоллари ва ёшларининг ташаббуси билан 35 та шахта тезкорлик методлари билан бир йил ичида қуриб битказилади.

Биз ўтган йилдагига қараганда икки баравардан зиёдроқ уй-жой қуришимиз ва битказиб беришимиз керак. 40 мингдан кўпроқ шахтерлар ва шахта қурувчиларнинг оилалари Донбассда янги квартираларга эга бўладилар. Кўмирчиларнинг ишчи посёлкаларида 353 та маданий-маиший муассаса биноси, шу жумладан 17 та касалхона ва поликлиника, 43 та мактаб, 96 та болалар боғчаси ва болалар яслиси, 53 та ошхона, 37 та магазин, 53 та клуб ва бошқа объектлар қурилади.

Бу жуда катта вазифаларни ҳал қилиш жиддий ва қийин иш эканлигини яхши биламиз. Корхоналарга раҳбарлик қилишда ҳам, ишлаб чиқаришни планлаштиришда ҳам бизнинг камчиликларимиз ҳали кўп. Кўпгина шахталар, қурилишлар ва участкалар ўз планларини ҳали ҳам бажараётганлари йўқ. Шуларнинг кўпида меҳнат унумдорлиги жуда паст. Кўп лавалар цикл нормативларини бажармаётир, машиналар ва механизмлардан ёмон фойдаланилмоқда. Кўмир ва қурилишнинг сифатини яхшилаш ва таннархини пасайтириш учун ҳали ҳам етарлик даражада зўр бериб кураш олиб борилмаётир, ишлаб чиқариш новаторларининг иш тажрибалари етарлик равишда ёйилмаётир.

Меҳнат унумдорлигини тўхтовсиз ошириш кўмир чиқаришни кўпайтиришнинг ва таннархини пасайтиришнинг асосий резервидир. Шу сабабли биз ишлаб чиқаришни планлаштиришни ва ташкил этишни яхшилаш, технология процессининг ҳамма звенолари бир-бирига уйғун тўлиб ишлашини таъминлаш йўли билан меҳнат унумдорлигини янада оширишга тағин ҳам кўпроқ зўр бериб ҳаракат қилаверамиз. Шахталаримизда энг «тор жой» бўлиб қолган ер ости транспортининг ишини йўлга қўйишга эндиликда алоҳида эътибор берилмоқда. Бекор туришларни тўхтатмоқ ва иш кунидан тўлиқ фойдаланмоқ учун иш жойини тайёрлаб қўйишни яхшилаймиз, меҳнатни ташкил этишдаги камчиликларни тугатамиз, илғорлар тажрибасини кенг жорий қилаберамиз.

Кўмир қазилаётган жойларни тозалаб туриш ва механизмлардан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш, забойлар линиясини олға суришни тезлатиш жуда муҳимдир. Илғор шахталарнинг тажрибалари лаваларда ишларни цикл усули билан ташкил этиш асосида бунга эришиш мумкинлигини кўрсатади. **Донбасс цикл усули ёппасига жорий қилинган кўмир ҳавзаси бўлиб қолиши лозим.**

Ҳозирги замон кончилик фани ва техникасининг муваффақиятлари шахталардаги ишни комплекс механизациялашни ва автоматлаштиришни кенг амалга оширишга имкон беради. 1957 йилда комбайнлар ёрдами билан кўмир уюшни янада механизациялаш билан бир қаторда кўмирнинг нишаб қатламларида тор доирада кўмир қазиб оладиган ва иш унуми кўпроқ бўлган механизмлар комплексини оммавий равишда қўлланиш вазифасини ўз олдимизга қўямиз.

Биз кўмирдан бўлак тоғ жинсларини шахталардан чиқариб ташлашни мумкин қадар камайтиришимиз, коннинг ичини кенг қилиб қазиб ишлашга ва лаваларни шахта майдонлари ва кўмир чиқариб олинадиган участкалар чегарасидан чуқурроқ кавлаб ишлатиш усулига ўтишимиз лозим. Бу — кўмир чиқаришни кўпайтиришнинг катта резервидир. Техникадан яхшироқ фойдаланиш, пармалаш ва портлатиш ишларини такомиллаштириш ва кон кавлайдиган бригадаларни мустаҳкамлаш йўли билан кўмир чиқармоқ учун шахталарнинг ичини тайёрлаш ишларининг суръатини анча оширамиз.

Лаваларда ва кўмир чиқариш учун тайёрланаётган забойларда меҳнатни ташкил қилишнинг ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги системаси жорий қилинганлиги сабабли комплекс бригадаларнинг роли кучаяди. Бизнинг вазифамиз шуки, комплекс бригадаларга тозалаш ва тайёрлаш забойларидаги ишлаб чиқариш операцияларининг ҳаммасини бажара оладиган ишчиларни кўплаб тайёрлаб беришни ташкил этишимиз керак.

Кўмир чиқаришни янада ривожлантириш шахта қурувчиларнинг ишларини яхшилашга, янги шахталарни, бойитиш фабрикаларини, уй-жой бинолари қурилишини ва маданий-маиший бинолар қурилишини ўз вақтида битказиб ишга туширишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Донбасс шахта қурувчилари қурилишга тайёргарликни яхшилаш, илғор технологияни ва индустриал методларни жорий қилиш, ишларни комплекс механизациялашни амалга ошириш йўли билан кўмир корхоналари қуриш муддатларини анча қисқартмоқ учун бутун кучларини сарф қиладилар.

Уй-жой бинолари ва маданий-маиший муассасалар учун керакли бинолларни тезроқ қуриб битказиш бизнинг шарафли ишимиздир. Давлат уй-жой бинолари, клублар, мактаблар, касалхоналар қуриш, Донбассдаги шахтерларнинг поселкаларини обод қилиш ишларига жуда катта маблағлар ажратиб берди. Шу маблағлардан тўлиқ фойдаланишни таъминлаймиз, қурилишдаги тарқоқликни тугатамиз, тез, арзон ва яхши қилиб қурамиз.

Ҳар қандай ишнинг тақдири одамларга боғлиқдир. Бизда ҳўжалик раҳбарларининг ва ишлаб чиқариш командирларининг ажойиб кадрлари ўсиб етишди. Улар кўмир саноатини ривожлантириш процессида туғилаётган мураккаб ишлаб чиқариш — техника вазифаларини ва иқтисодий вазифаларни ҳал қилишни уддалайоладилар.

Донбасс шахтерлари ўз илғорларидан ва новаторлари билан фахрланадилар. Кўмир комбайнларининг машинистлари Александр Патлатюк, Анатолий Кулик, Василий Мирошниченко, Иван Стефанчишин, ер остидаги электровозларни ҳайдовчи Василий Письменний ва Василий Булавин, проходчиклар Иван Шароварский ва Михаил Шевцовларнинг шуҳрати Донбассгагина эмас, балки ундан бошқа жойларга ҳам ёйилган. Николай Толмачев, Василий Кирильчук, Михаил Кропотов, Иван Пилипенко, Василий Тинников бригадалари қурилаётган шахталарда ишларни одатдагига қараганда уч-тўрт баравар тез бажармоқдалар. Участкаларнинг бошлиқлари Решетняк, Бридько, Денисов, Ногайцев ўртоқлар, Румянцев номидаги шахта бошлиғи ўртоқ Пряхин, 4-5-«Никитовка» шахтасининг бошлиғи ўртоқ Кохан, 2-«Золотое» шахтасининг бошлиғи ўртоқ Ворошилов, 2-«Северная» шахтасининг бошлиғи ўртоқ Горлов; 8-қурилиш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Сокологорский, 9-кон қазиш бошқармасининг бош инженери ўртоқ Пшеничний, Дарьевский қурилиш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Лифоненко ва бошқа кўпгина ўртоқлар ўзларининг ишлаб чиқариш ва қурилишнинг моҳир ташкилотчилари эканликларини кўрсатдилар.

«Кочегарка» шахтасининг забойшиклари ҳар ойда пландан ташқари 5 тоннадан кўмир қазиб бериш мажбуриятини зиммаларига олдилар. Бундай мажбуриятни бажаришга ҳар бир забойшикнинг қурби етади. Агар Донбассдаги ҳамма кончилар, уларга эргашиб бошқа кўмир ҳавзаларидаги кончиларнинг ҳам ҳаммаси бу ташаббусни аҳиллик билан қўллаб-қувватласалар, мамлакат қўшимча равишда юзларча эшелон кўмир олади.

Донбасс шахтерлари ва шахта қурувчиларининг сафларига комсомол путевкалари билан келган ўн минглаб ёш ишчилар қўшилди.

Ёш ватанпарварларга эътибор бериб, меҳрибонлик қилиш, касбларни эгаллаб олишда уларга ёрдамлашиш, уларга нормал ишлаб чиқариш ва маиший шароит яратиб бериш, улардан кўмир чиқаришнинг ва шахталар қуришнинг чинакам мастерлари етиштириш бизнинг бурчимиздир.

Азиз ўртоқлар!

Бу йил Улуғ Октябрь социалистик революциясига 40 йил тўлади. Бу тарихий кун барча совет кишилари сингари бизга ҳам ғоят даражада азиз кундир. Бундан қирқ йил муқаддам Россия ишчилар синфи меҳнаткаш деҳқонлар билан иттифоқ бўлиб, Коммунистик партия ва улуғ Ленин раҳбарлиги остида ҳокимиятни инсоният тарихида биринчи бўлиб ўз қўлига олди. Жонажон Коммунистик партиямиз ва Совет ҳокимияти Ленин йўлидан бориб, Ватанимизни социализм ғалабасига олиб келди ва коммунизм сари ишонч билан бошлаб бормоқда.

Ҳар бир совет кишиси Улуғ Октябрнинг 40 йиллигини меҳнатда янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқ, ўзининг севикли Ватанини тағин ҳам кўпроқ улуғламоқ учун ватанпарварлик иштиёқи билан интилмоқда.

Биз, Донбассдаги шахталар, қурилишлар, кўмир машинасозлиги заводлари, қурилиш индустрияси корхоналари, проектлаш ва конструкторлик ташкилотларининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари Совет Иттифоқидаги барча шахталарга ва шахта қурувчиларга мурожаат қилиб, уларни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги — умумхалқ байрами шарафига социалистик мусобақани авж олдириб юборишга чақирамиз. Биз ўз имкониятларимизни муҳокама қилиб, ўз зиммамизга қуйидаги мажбуриятларни оламиз:

УКРАИНА ССР КЎМИР САНОАТИ МИНИСТРЛИГИНИНГ ДОНБАСС КОРХОНАЛАРИ БЎЙИЧА

1. Кўмир чиқаришнинг 1957 йил учун белгиланган давлат планини ошириб баждарамиз. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги шарафига ўн ойлик пландан ташқари ишлаб турган шахталарда 500 минг тонна кўмир берамиз, шу жумладан Главсталинуголь шахталарида 140 минг тонна, Главартемуголь шахталарида 160 минг тонна, Главворошиловградуголь шахталарида 100 минг тонна ва Главдонбассантрацит шахталарида 100 минг тонна кўмир берамиз.

2. Тайёрлаш ишларининг йиллик программасини 101 процент қилиб бажарамиз.

3. Ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш планини 102 процент қилиб бажарамиз.

4. Шу йилнинг охиригача ишлаб турган ҳамма лаваларнинг камида 50 процентини суткада бир цикл графиги асосида ишлайдиган бўлишини таъминлаймиз, 500 лавага тор доирада кўмир қазиб чиқарадиган комплексларни жорий қиламиз. Комбайнлар билан кўмир уйишни машиналаштириш даражасини ошириб, буни 1957 йилнинг тўртинчи кварталида 59 процентга етказамиз. 520 забойда кўмир қазиладиган участкаларни кенгайтириб қазишни ташкил қиламиз, бу эса шахталардан чиқариб ташланадиган тоғ жинсларини қарийб 3 миллион тонна миқдорида камайтиришга имкон беради.

5. 7 ноябрга қадар ҳўжалик усули билан 9 та янги шахта ва 455 минг квадрат метр уй-жой майдони, 133 та маданий-маиший аҳамиятга эга бўлган объектларни, шу жумладан 5 та касалхона ва поликлиникани, 18 та мактабни, 29-та болалар боғчаси ва яслиларни, 28 та ошхонани, 25 та магазинни, 16 та клуб ва кино-театрни, шу жумладан: Сталино областида 5 та шахта ва 261 минг квадрат метр уй-жой биноларини ҳамда Ворошиловград областида 4 та шахта ва 194 минг квадрат метр уй-жой биноларини қуриб битказамиз.

УКРАИНА ССР КЎМИР САНОАТИ ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИНИНГ ДОНБАССДАГИ ҚУРИЛИШЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ БЎЙИЧА

1. Донбассдаги қурилиш-монтаж ишларининг йиллик планини 28 декабргача бажарамиз.

2. 64 та шахтани қуриб ишга туширамиз, шу жумладан Сталино областида. 36 та шахта ва Ворошиловград олбастида 28 та шахтани қуриб ишга туширамиз. Қуриб битказилиши лозим бўлган ҳамма шахталардан 35 та шахтани Украина комсомоллари ва ёшларининг кучи билан тезкорлик усулида қуриб, 1957 йилда ишга туширамиз.

3. 836 минг квадрат метр — ўтган йилдагига қараганда 2,6 баравар кўп уй-жой майдони қуриш ва ишга тушириш йиллик планини муддатидан олдин, 26 декабргача бажарамиз: шу жумладан, Сталино областида 471 минг квадрат метр ва Ворошиловград областида 365 минг квадрат метр уй-жой майдони қуриб, муддатидан олдин ишга туширамиз.

4. Маданий-маиший аҳамиятга эга бўлган 220 объектни, шу жумладан 37 та клуб ва кинотеатр, 12 та касалхона ва поликлиника, 25 мактаб, 67 та болалар яслиси ва болалар боғчаси, 25 та ошхона ва 12 та магазинни қуриб битказамиз ва ишга туширамиз.

5. Конларни қазиш йиллик планини 25 декабрга қадар бажарамиз. Қазилган конларнинг ичини 33,5 минг метр узунликда йиғма темирбетон тирғаклар билан мустаҳкамлаймиз. Бу — ўтган йилдагига қараганда 1,6 баравар кўп.

6. Қурилиш-монтаж ишларининг ҳар бир миллион сўмлик қисмига камида 130 кубометр йиғма темирбетон ишлатилмоғи учун 1957 йилда 530 минг кубометр темирбетон буюмлар ясаш ва жорий қилишни таъминлаймиз.

Бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш йиллик планини 28 декабрга қадар бажарамиз.

7. Қурилиш-монтаж ишларида ҳар бир ишчи ишлаб бераётган иш планини 1,5 процент ошириб бажарамиз, шу ишларнинг планда кўрсатилган қийматини 0,5 процент пасайтирамиз ва пландан ташқари 16 миллион сўмлик жамғарма берамиз.

ДОНБАСС КЎМИР МАШИНАСОЗЛИГИ ЗАВОДЛАРИ БЎЙИЧА

1. Кон — шахта ускуналари чиқариш йиллик программасини муддатидан олдин, 26 декабрга қадар бажарамиз ҳамда металл ва материалларни тежаш ҳисобига йил охиригача пландан ташқари 20 миллион сўмлик маҳсулот берамиз.

2. Кўмир саноати учун янги, тағин ҳам такомиллашган машиналар чиқаришни ўтган йилдагига нисбатан 40 процент кўпайтирамиз.

3. Чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини пландагига қараганда 0,5 процент камайтирамиз ва пландан ташқари 5 миллион сўмлик жамғарма берамиз.

4. Заводларнинг кучи билан 23 минг квадрат метр—ўтган йилдагига қараганда 3 баравар кўп уй-жой бинолари қуриб оламиз.

ПРОЕКТЛАШ, КОНСТРУКТОРЛИК ВА ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТЛАРИ БЎЙИЧА

1957 йилда «Донгипроуглемаш» коллективи конларни тозалаш ишларини механизациялаштирмоқ учун мокисимон ишлайдиган комбайндан иборат бўлган ва иш унуми юксак даражада бўлган тор доирали комплексни ва турли қалинликдаги қатламлардан кўмир қазиб берадиган янги кўмир комбайни яратиб бериш, кўмир қазиб чиқармоқ учун тайёрланадиган участкаларни кенг қилиб кавлаб, қазиб олинган тоғ жинсларини кўмири олинган бўшлиққа ётқизиб кетадиган қилиб ишларни механизациялаштирмоқ учун комплекс ускуна яратиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Донец илмий-текшириш кўмир институти тупроғи уваланиб тушадиган тик кўмир қатламлари устини бошқариб туришнинг тағин ҳам яхшироқ усулини ишлаб чиқиб жорий қилиш; кўмир ва тоғ жинсларининг гидротранспорти учун янги установка схемасини ишлаб чиқиб жорий қилиш мажбуриятини ўз устига олишга қарор қилди.

Проектлаш ташкилотларининг ходимлари проект — қидириш ишларининг йиллик планини 1957 йил 28 декабргача бажариш ва қурилишларни проект-смета ҳужжатлари билан ўз вақтида таъминлаш мажбуриятини оладилар.

Азиз ўртоқлар!

Бизнинг мамлакатимизда шахтерлик касбининг обрўйи баланд кўтарилган ва у шуҳрат қозонган касбдир. Бутун совет халқи бу касбдаги кишиларга эътибор бериб меҳрибонлик қилмоқда. Шахтерларнинг қаҳрамонлик, революцион ва меҳнат традициялари бизни руҳлантирмоқда, бизни янги қаҳрамонликлар қилишга, фидокорона меҳнатга чақирмоқда. Шахталарда, қурилишларда ва бошқа кўмир корхоналарида социалистик мусобақа байроғини юқори кўтарайлик! Бизни қунни — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигини пландан ташқари юз мингларча тонналаб кўмир чиқариб кутиб олайлик.

Севикли Ватанимизга кўпроқ кўмир берайлик!

Донбассдаги шахталар, қурилишлар, кўмир машинасозлиги заводлари, бойитиш фабрикалари ва бошқа кўмир корхоналари, илмий-текшириш ҳамда проектлаш-конструкторлик институтлари ишчиларининг, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилишларида муҳокама этилди ва қабул қилинди. Буни муҳокама қилишда бир миллионга яқин меҳнаткаш қатнашди.

МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРИШ — УМУМХАЛҚ ИШИ!

ЯНГИ ШАҲАРНИ ТЕЗ, АРЗОН ҚУРАЙЛИК

2 минг гектар ер текисланди

Биз ҳозир «Дружба» совхозининг шарқи-шимолида, қайсар бўз деб номланган участкада ер текисламоқдамиз. Тўрт минг гектардан ортиқ бу бўзнинг қарийб ярмисини текислаб бўлдик.

Бўз ерни текислаш, албатта, осон бўлмаётир. Гап шундаки, чўл бағрида асрлар мобайнида бўрон ва кучли шамол таъсири остида пайдо бўлган тепаликлар жуда кўп учрайди. Бу тепаликларнинг айримлари ер сатҳидан 4-5 ва ҳатто 12-14 метр баландликда. Бундан ташқари, чўлнинг айрим участкаларида катта-кичик кўллар ҳам учраб туради. Бу ҳол планировка ишларини тез суръатлар билан олиб боришимизга анча тўсқинлик қилаётир. Яқинда ёққан қалин қор эса бу қийинчиликларни янада чуқурлаштирди.

Бироқ, биз ҳам қараб турмадик. Қўлимиздаги мавжуд планировка проектларини бошқача метод билан ҳал этишга қарор қилдик. Бу масалада бизга планировкачи инженерлар яқиндан ёрдам кўрсатаётирлар.

Планировкачилардан Клавдия Елезарова ва Лукьяненко ўртоқлар моҳир бульдозерчи Пётр Иванович Молчановнинг планировка майдонларини кичик-кичик карталарга бўлиб олиб бориш тўғрисида киритган таклифини қўллаб-қувватладилар ва бу янги методни тезроқ жорий этишга кўмаклашдилар. Натижада бульдозер ҳайдовчилар ҳар қандай оғир участкаларни ҳам осонлик билан текислаш имкониятига эга бўлдилар. Бригадамиз коллективи яратган янги усулни бошқа участка ва бригадаларда иш олиб бораётган механизаторлар ҳам ҳозир кенг қўллаб-моқдалар.

Яқинда участкамиз механизаторлари «Дружба» совхозининг маъмуриятига кафтдек текис қилинган 2 минг гектар майдонни топширди.

Х. ИРИСОВ,
3-СМУ бульдозерчиси.

«Қайраққумгэсстрой» қурилиш бошқармаси бинокорларининг янги шаҳар қад кўтараётган чўлга келганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин улар шу қисқа вақт ичида қарийб 4 минг квадрат метр уй-жой бинолари қуриб бердилар. Суратда: бинокорлардан **И. Житников ва Т. Урунов** ўртоқлар навбатдаги бино деворини тикламоқдалар.

Ўз ҳиссамизни қўшамиз

Мен бундан бир неча йил илгари Ўрта Осиёдаги энг йирик қурилишлардан бири — Қайроққум ГЭС қурилишига оддий ишчи бўлиб келган эдим. Бу ерда ўз ишининг моҳир усталари бўлган кишилардан ҳунар ўргандим. ГЭСдаги асосий қурилиш ишлари тамомланди ва «Халқлар дўстлиги» номини олган бу гидроэлектростанция яқинда социалистик саноатимизга ток берди.

Мен ўз дўстларим билан бирга маслаҳатлашиб, Мирзачўлни бутунлай бўйсундириш учун бошланган умумхалқ ҳаракатида иштирок этишга қарор қилдим. Менинг бу фикримни бутун бригада аъзолари қўллаб-қувватлади, улар ҳам мен билан чўлни бўйсундиришга отландилар.

Биз Мирзачўлга келдик. Қаёққа қарамаанг, шиддат билан ишлаётган экскаватор, бульдозер ва скреперларни кўрасиз. Ҳамма ерда қурилиш ишлари авжида. Биз азм шаҳар барпо этилаётган ердаги қурилиш участкаларининг бирида ишлай бошладик. Бригада аъзолари чўл бағрида бунёд этилаётган бу шаҳар қурилишини тобора тезлатиш мақсадида дастлабки кунлардан бошлабоқ зўр ғайрат билан ишламоқдалар. И. Житников, К. Усмонов, В. Омонбоев каби моҳир ғишт теруvчилар смена топшириқларини муттасил 200-250 процентга етказиб бажараётирлар.

Биз қурилиш ишлари суръатини тезлаштириш билан бирга, унинг сифатига алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бригаданинг ҳар бир аъзоси кечагина бўм-бўш ётган бу ерларни яқин кунлар ичида гуллаб-яшнаётган ерларга айлантиришдек олижаноб мақсад йўлида астойдил меҳнат қилянти. Натижада бригада бўйича топшириқ доим ортиғи билан бажарилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми қарори биз — шаҳар қурувчиларининг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшиб юборди. Биз бундан кейин ҳам унумли меҳнат қилиб, чўлда азм шаҳар барпо этиш ишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Тўрон УРИНБОЕВ,
«Қайроққум ГЭС строй» қурилиш бошқармаси ғишт теруvчилар бригадасининг бошлиғи.

Шаҳарни тезроқ қурамиз

Бу ерни ҳунар ва касб ўрганиш макони деса бўлади. Бу жойда хоҳласанг шофер, истасанг моҳир бинокор, хуллас, таъбинг ёқтирган ҳар қандай ҳунарни ўрганишинг мумкин.

Мирзачўлга мен ҳарбий хизматни ўтаб келганман. Асли касбим сартарошлик. Очиғини айтсам, Мирзачўлга келаётиб, яна сартарошлик қилиш ниятида эдим.

Бироқ, бирга келган дўстларимнинг турли касб ўрганишга, меҳнат билан шуғулланишга ҳаракат қилаётганлигини кўриб, аввалги ниятимдан қайтдим. Ҳаёт кишини ҳар кўйга солиб қўяр экан... Бунинг устига, армияда мен билан бирга хизмат қилиб, бу ерга келган Николай Камишев ҳар учраганда: «Оғайни, токайгача сартарошлик қиласан? Яна бир ўйлаб кўр, агар истасанг, биз билан бинокорлик қил», деб маслаҳат берди.

Коля 2-қурилиш бошқармасига қарашли Х. Исҳоқов бошчилик қилаётган бетончилар бригадасида ишларди. Улар 56-автобаза хизматчилари учун мўлжалланган 6 та катта бинога фундамент қўйиб энди полегон заводи қурилишига кўчган эдилар. Мен бинокорлар ўртасида донғи кетган шу бригаданинг аҳил оиласига қўшилдим.

Ҳар бир ҳунарнинг ўзига хос нашъаси бўларкан. Мана, ҳозир биз катта заводга фундамент қўяётирмиз. Ахир, бир вақтлар келиб, шу завод ёнидан ўтаётиб: «бу заводга биз фундамент қўйганмиз» деб фахр билан эслаймиз-да. Бундан ҳам ортиқ қувонч бўлиши мумкинми?

Ана шулар бирма-бир ҳаёлингдан кечаркан, яна ҳам яхшироқ меҳнат қилгинг, катта заводлар, муҳташам биноларга бутун ишқинг билан мустаҳкам фундамент қўйгинг келади.

М. МЕЛИБОЕВ,

Ўзаро ҳамкорлик асосида

Маълумки, бу йил бўлажак шаҳарда кўп қаватли биноларга фундамент қўйилабошланади. Шаҳар марказида асосан 2-3 қаватли бинолар қурилиши керак. Шу сабабли лойиҳалаш институти шаҳар бинокорларига ҳозирги замон бинокорлик ва архитектура фанининг энг сўнгги ютуқлари асосида яратилаётган типовой проектларни тақдим қилаётирлар. Бу проектлардан 12 серияси шаҳар қурувчилари — инженер-техниклари ҳамда тажрибали бинокорлар муҳокамасига юборилди.

Шаҳарнинг табиий шароитини яхши ўрганиб олаётган Мирзачўл бинокорлари лойиҳа авторларига ўзларининг қимматли маслаҳатларини бермоқдалар. Жумладан, «Главголодностепстрой»нинг 3-қурилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, инженер ўртоқ Борисенко бинолар фасадини ложи борича қуёш нури кам тушадиган томонга қаратиб проектлаш лозимлигини айтди. Шунингдек, у, шаҳар кўчаларини проектлаётганда бинолар орасидаги аллеяларни мумкин қадар кенгроқ ва узунроқ қилиб лойиҳалаш лозимлиги ҳақида қимматли таклиф киритди. Лойиҳачилар ва архитекторлар инженер Борисенкониг бу муҳим таклифини қўллаб-қувватладилар.

Шаҳарнинг 3-қурилиш бошқармаси яқинда 20 та кўп қаватли бинонинг проект ҳужжатларини олди.

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Бу йил коллективимиз ҳаётида унутилмас воқиа бўлади: биз социалистик шаҳарнинг монументал биноларини қуришга киришамиз. Ўтган йили бошқармамизнинг барча бинокорлари 1957 йилда қурилиш ишларини кенг кўламда олиб бориш учун моддий техника базасини вужудга келтирган эдилар.

Бу йилги режаларимиз гоят катта. Агар 1956 йилда ҳаммаси бўлиб 650 квадрат метр ҳажмда уй-жой, поликлиника, клуб ва бошқа маданий - маиший муассасалар учун бинолар қурган бўлсак, 1957 йилда уй-жой қурилишини қарийб ўн уч баравар оширамиз.

Яқинда йил бошида тузган планимизга қисман ўзгартиш киритдик. Мўлжалдаги 7 қуришга киришамиз. Ўтнига 8 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой бинолари қуришга қарор қилдик.

Бинокорларимиз шаҳар қурилишини тезлатиш, бинокорлик материалларини тежаб-тергаб сарфлаш, меҳнат унумдорлигини янада кўтаришга ҳаракат қилаётирлар. Ўртоқ Леонид Дюнгин раҳбарлик қилаётган 1-участка қурувчилари қисқа вақт ичида 500 кишилик клуб, 280 ўринли иккита касалхона, 60 ўринли туғруқхона ва 188 ўринли болалар яслисини фойдаланишга топширдилар.

В. КУЛЬМАНОВСКАЯ,
«Главголодностепстрой» 3-қурилиш бошқармасининг прораби.

РЕПОРТАЖ

ЧЎЛ МАРДЛАРИ

Табиатнинг қайсарлигини назарписанд қилмай, меҳнат қилаётган азаматларга қараб: «Шон-шарафлар бўлсин сизга, чўл мардлари!» деб хитоб қилгинг келади...

Биз бу ерда бинокорлик ишларини олиб бораётган 2-қурилиш бошқармаси жойлашган кичкинагина хонага кириб, деворий газетани кўздан кечираётган гавдали йигитдан бошқа ҳеч кимни учрата олмадик. Хонага кирганимиздан сўнг ҳалиги йигит бурилиб бизга қаради-да, бу ерлик эмаслигимизни сезди шекилли:

— Келинглар, — деди.

— Бошлиқнинг идораси шуми? — сўрадик биз.

— Ҳа, лекин афсуски ўзи йўқда. Менинг ҳам унда зарур ишим бор эди. Объектларга кетган бўлса керак. Бироз сабр қилинг, келиб қолар.

Йигит бизни ўтиришга таклиф қилиб, ўзи тунука печнинг иссиқ трубаларига кафтини тутаркан:

— Совуқ ҳам чакана бўлмаяпти, — деб қўйди.

Шу пайт хона эшиги очилиб, устига пахталик камзул кийган, ёши 20 лар чамаси, қорачадан келган, новча йигит кириб келди. Наридан-бери саломлашгач, ҳалиги йигитга қараб:

— 35-58 ни бошқа бригадага юборишибди. Шағалимиз тугаб қолди. Бетонмешалкани тўхтатиб қўйишга мажбур бўлдик, — деб гапира кетди, сўнгра иккаласи ҳам шошилганича чиқиб кетди.

Хонада стол ва стул бор эди, холос. Деворда чиройли қилиб безатилган деворий газетадан бошқа киши диққатини ўзига тортадиган ҳеч нарса кўринмасди. Ундаги хабарлардан бирида бундай дейилган эди: «...Ўртоқ Исҳоқов бошлиқ бетончилар бригадасининг аъзолари ишни сифатли бажариш билан бирга, смена топшириқларини системали равишда 250-300 процент ва ҳатто ундан ҳам ошириб бажараётирлар... Агар, уларнинг кейинги 2 ой ичида бажарган ишлари ҳисоблаб чиқилса, бу илғор бетончиларнинг қарийб бир йиллик программани бажарганликларини кўрамиз...».

Хабарни ўқиб улгурмаган ҳам эдик, суҳбатдошимиз қайтиб келди.

— Ие, ҳалиям келгани йўқми? Роса зерикиб қолгандирсиз дейман? — деди у жилмайиб.

— Мана буларни ўқиб, вақтнинг ўтганини ҳам билмай қолибмиз. Бетончилар бригадасининг бошлиғи Исҳоқовмисиз? — сўрадик биз. У камтарлик билан «ҳа» дер экан, уялгандай бўлди. Лекин сал ўтмай, куюниб гапира кетди:

— 1960 йил ҳисобига ишлаётганлигимиз тўғри. Бироқ, ишда баъзи нуқсонларни кўриб, жигибийрон бўлиб кетасан киши. Қаранг, бизга қум олиб келаётган самосвални Мингазуддинов ўзига буриб олибди-я! Қиладиган ишинг машина билан боғлиқ бўлганидан сўнг унча-мунча материални кўрдим демайсан экан. Учта самосвал тўхтовсиз шағал ташияпти-ю, яна шағал жанжали. 15 минут бекор туриб қолдик — бугун 3-4 кубометр бетон ётқизилмади деган гап...

Биз 2-қурилиш бошқармасининг ўртоқ Исҳоқов бошлиқ илғор бетончилар бригадаси ишлаётган участкага келдик.

Ишчилар полиган заводи пойдеворига бетон ётқизаётирлар. Бригаданинг забардаст йигитлари — Илҳомжон Жалилов, Муҳиддин Мелибоев, Омон Пармонов бетономешалкага цемент ва шағал ташлаб турибдилар. Улар смена тугашига оз вақт қолганига қарамай, гўё ҳозиргина ишга тушгандай, зўр ғайрат билан ишлаётирлар.

Бригадир мотористка Ранса Хасанованинг олдига борди-да, унга смена тугаганини айтиб, моторни ўчиришни буюрди. Бетономешалка бир зумда айланишдан тўхтади. Бетончилар йиғилишиб, гурунглаша кетдилар. Ҳаким Исҳоқов бригада аъзоларига бугун бажарилган ишларнинг якунини табелдан ўқиб эшиттирди.

— Бугун 161 кубометр бетон ётқизибмиз. Бу кечагидан 18 кубометр ортиқ. Агар 15 минут бекор туриб қолмаганимизда, роса 170 га етказган бўлардик...

Бригада аъзолари шу куни қувона-қувона уйга қайтдилар.

Ёш коммунист ўртоқ Ҳаким Исҳоқов бошлиқ бетончилар бригадасининг аъзолари меҳнатсеварликлари туфайли 2-қурилиш бошқармасидагина эмас, балки бутун қурилишда шуҳрат қозонмоқдалар. Улар 1956 йилда 1957—1959 йиллар топшириқларини шараф билан бажардилар. Азамат бетончилар шу кунларда 1960 йил ҳисобига ишлаётирлар.

Суратда: ўртоқ Х. Исҳоқов бошлиқ бетончилар бригадасининг аъзолари (чапдан ўнгга) О. Фармонов, И. Жалилов, М. Мелибоев ва Д. Халилов ўртоқлар бетономешалкада бетон тайёрлаётирлар.
Текст ва фото А. Абдуазимовники.

МЕДИЦИНА ЯНГИЛИКЛАРИ

Тез таъсир қиладиган стрептомицин

Москвадаги 2- медицина препаратлари заводининг бир группа ходимлари СССР Фанлар академияси Юқори молекулали бирикмалар институтининг олимлари билан ҳамкорликда стрептомицинни кимёвий усул билан тозалаш ва ион алмашинуви йўли билан олиш усулини таклиф этдилар. Бу янги метод анча тоза препарат олиш имкониятини беради. Унинг таъсир қилиш активлиги тахминан 30 процент юқоридир. Бу метод дори тайёрлашда ҳам анча қулайликлар туғдирмоқда. Завод янги технология бўйича шу доридан тайёрлаб, бир йилда 5 миллион сўмдан ортиқ маблағни тежаб қолди.

ЯНГИ ИНСТРУМЕНТАРИЙ

Горький областидаги Ленин номли медицина асбоблари заводи ҳозир юракнинг учини сиқиб турадиган асбоблар, юракни операция қилишда жуда ҳам зарур бўладиган нафис инструментарий ҳам ишлаб чиқаряпти.

Инсулин учун ишлатиладиган шприцларнинг янги турлари ишлаб чиқилди. Бундай шприцларда цилиндрлар ва ойнадан тайёрланган поршенлар бўлиб, уларнинг учи металлдан ясалгандир.

ГИПОТЕРМИЯ УЧУН АППАРАТ

Тбилисидаги врачлар малакасини ошириш институтининг биринчи хирургия клиникасида клиника ходимларидан Э. Тотатдзе ва И. Мотовецкий конструкцияси асосида ишланган оригинал аппарат гипотермия операцияларида қўлланилмоқда. Ассистент Н. Ломтатидзе таклифи асосида Грузия ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг экспериментал устахонасида инженер Г. Татишвили томонидан тайёрланган махсус скафадрли аппарат ҳам тайёрланди. Бу аппарат гипотермия қўллашни талаб қиладиган операциялар учун киши танасини маълум температурада иситиш ёки совутиш имкониятини беради. Клиника раҳбари СССР Медицина фанлари академиясининг корреспондент аъзоси профессор Н. Антелева ва профессор Д. Шотадзе янги аппарат ёрдами билан овқат ўтиш йўллари, ўпка ва ошқозон каби аъзолардаги мураккаб операцияларни қилмоқдалар.

Адабий кеча

Янгийўл шаҳридаги Навоий номли 4-ўрта мактаб адабиёт тўгарагининг қатнашчилари Ойбекнинг ижодига бағишланган адабий кеча ўтказдилар.

10-синф ўқувчиси Козим Ҳошимов ёзувчининг ҳаёти ва ижоди тўғрисида доклад қилди. Шунингдек, Турсунали Мирзажонов, Манзура Воҳидова, Мамлакат Раҳимова «Ойбек — таржимон», «Ойбек асарларида хотин-қизлар образи», «Қутлуғ қон» романининг тили ҳақида докладлар қилдилар. Кечага қўшни мактаб ўқитувчилари, ўқувчилари ва ота-оналар таклиф этилди.

Мактаб драма тўгарагининг қатнашчилари «Қутлуғ қон» романи асосида ишланган постановкадан парча кўрсатдилар. Ёш адабиётчилар кечага атаб деворий газета ва махсус фото-монтаж чиқардилар.

Ҳ. ЭРАЛИЕВ,
У. ТУЛАГАНОВ.

ЯНГИ китоблар

Узбекистон ССР ўқув-педагогика Давлат нашриёти қуйидаги китобларни нашр этди:

Н. К. КРУПСКАЯ. — **«Танланган педагогик асарлар»**, 532 бет, тиражи 5.000, баҳоси 10 сўм 95 тийин.

С. И. КОВАЛЕВ. — **«Қадимги дунё тарихи»** (ўрта мактабларнинг 5-6-синфлари учун дарслик), 250 бет, тиражи 60.000, баҳоси 3 сўм 15 тийин.

«Қисқача русча-ўзбекча луғат» (тузувчилар О. А. Азизов, О. У. Усмонов), 580 бет, тиражи 20.000, баҳоси 3 сўм 60 тийин.

ДЖЕМС ГРИНВУД. — **«Аленький оборвыш»** (рус тилида, ўзбек мактабларининг катта ёшдаги болалари учун). 228 бет, тиражи 30.000, баҳоси 4 сўм 85 тийин.

В. Ш. МИРОЧНИК. — **«Русская литература»** (Хрестоматия, ўзбек мактабларининг 8-синфлари учун дарслик). 255 бет, тиражи 90.000, баҳоси 2 сўм 95 тийин.

П. А. КОВАЛЕВ. — **«Мактабда қурт боқиш ва тут ўстириш»** (ўрта мактаб ўқитувчилари учун методик қўлланма). 145 бет, тиражи 3.000, баҳоси 4 сўм 30 тийин.

«Болалар боғчасида жисмоний тарбия» (методик хат). 68 бет, тиражи 3.000, баҳоси 1 сўм 30 тийин.

ТОЖИК АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ ОЛДИДАН

Шу йилнинг апрель ойида Ватанимизнинг пойтахти Москвада тожик адабиёти ва санъати декадаси ўтказилади. Декадага тожик адабиёти классиклари ва тожик совет ёзувчиларининг 100 га яқин китоблари нашр этилмоқда. Рассомлар ва санъаткорлар декадага зўр бериб тайёрланаётирлар. Биз қуйида қардош тожик шоирларининг янги шеърларидан намуна намуналар босамиз.

АШИРМАТ

МАЯКОВСКИЙ КЕЧАСИ

Колхоз лекторийси лиқ тўлган.
Ленин
Саҳнадаги стуллар бўш эди ҳали,
Фаҳат ҳаяжон босган нотиқ сингари
Гуллар оша қарайди шоир ҳайкали.
Озодлик ва бахт учун борган ҳарбу зарб
«Аврора»нинг залплари унда намоён,
Гўё Болтиқ бўйида олисга қараб
Достон ўқир. Атрофи найзадан ўрмон.
Жанговар маршни куйлаб тонготарларда
Кудратли колонналар чиқади йўлга,
Шоир маҳрур,
Шоир шод,
Шоир олдинда
Янги қўшиқ куйлайди қаҳрамон элга.
Чорлаб шонли меҳнатга, курашга, жангга
Ҳар вақт ва ҳар ерда бўлади ҳозир,
Шеърлари сингади миллион қалбларга
Халқ унгаю, у халққа доим мунтазир.
Юзининг шуъласида, ўйланишида,
Нигоҳида ўқиймиз зафарга хитоб,
Уша нинг кўкрагида, тоғ елкасида
Кўтариб келди бизга бир олам китоб.
Оқшом пайти,
Бошланди адабий кеча —
Маяковский шеъри тилларда такрор,
Минбарда лола янглиғ жажжи бир қизча
Унг қўлини кўтарар.
Атрофда баҳор —
Еллари елпиб ўтар колхоз боғини,
Шеърларга ҳамоҳанг мусиқий садо,
Элга севилган улуғ шоир доғини
Оламга ёймоқдадир мусаффо ҳаво.
Қизча юзида кезар паришон сочлар;
У революциянинг жангчиси шу тоб
Тилидан кўп мазмундор сўзлар сочилар,
Бу шоира юлдузу, нўзгуси офтоб.
Давомли қарсаклардан зал гувлар бутун,
Фазога учиргандай шеър каптарин,
Шоира завқланади, қалбида тўлқин
Еллар варақлаб қўяр унинг дафтарин.

Гаффор МИРЗО

ҚЎЛЛАР

Яшнаган водида бахтларинг кулиб,
Оппоқ пахталарга узатганда қўл,
Ҳаёлинг кенг уфуқ каби чўзилиб,
Дўстларинг қўлини эслайсан нуқул.
Кўзларинг олдида бўлар намоён
Гўзал Фарғонанинг қувноқ қизлари,
Ҳисор водисидай водида шу он
Планни бажариб, ёруғ юзлари.
Ғайратинг ошади, ўйланиб бир пас
Қатор дастгоҳларни қилганингда ёд,
Тўқувчи шўх қизлар қилиб басма-бас,
Нафис матоларни тўқимонда шод.
Аста тиклаб қўйсанг ғўза тупини,
Қуёшдан нур эмса кўсак ва шона,
Ёдингга тушади чойнинг кўкини
Териб юрган чевар узоқ дугона.
Гўзал Абхазия чойзорларида
Чой баргин теради бахтини куйлаб,
Лоладай кўринар тонг чоғларида
У кийган қипқизил, ярашиқ кўйлак.
Уша меҳр билан терган кўк чойни
Зрталаб ичганда қилдинг хўб роҳат.
Сен терган пахтадан шундай чиройли
Кўйлак кийди у ҳам қувониб беҳад.
Яна гавдаланар кўзинг олдида
Катта шаҳарлару қишлоқлар, чўллар,
Улуғ мамлакатнинг ҳамма ёғида
Улуғвор ишларни бажарар қўллар.
Эру аёлларнинг орзуси битта —
Улуғ коммунизм биносин қурмоқ.
Шу учун ҳар ерда, ҳар иш, меҳнатда
Қўл ва юрагимиз биргадир ҳар чоқ.

АШИРМАТ таржимаси.

МАТБУОТ ОБЗОРИ

Газета материаллари сифатини оширайлик

Сирдарё районининг пахтакорлари КПСС XX съезди қарорларини амалга ошира бориб, ўтган йили пахтачиликни ривожлантиришда яхши натижаларга эришдилар. Район колхозларида давлатга пахта топшириш юзасидан олинган социалистик мажбурият муваффақиятли бажарилди.

Ана шу муҳим вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон КП Сирдарё район комитети ва меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитетининг органи — «Қизил юлдуз» газета редакцияси ҳам муносиб ҳисса қўшаётир.

Газета саҳифаларини варақласак, унда район хўжалигининг турли тармоқлари, айниқса пахтачилик кенг ёритиб борилганини кўрамиз.

Бироқ шуни айтиш керакки, газета редакцияси (редактори ўртоқ Б. Яҳёев) ходимлари босилаётган мақола ва хабарларнинг сифатига жиддий эътибор бермаётирлар.

Газетанинг кейинги бир неча ой ичида чиққан сонлари кўздан кечирилса, унда ўйламай-нетмай тузилган пала-партиш жумлаларни кўп учратиш мумкин.

Газетхон қуйидаги жумлани ўқир экан, унинг тўмтоқ, саводсизларча ёзилганидан ҳижолат тортади: «Дарахтзор, айниқса, мева дарахтзорлари, узумзорлар киши учун шундай кўнгил очарлик жой эканлиги аён. Демак мева дарахтлари кўпайса, ҳам иктисодий ҳузур, ҳам тоза ҳавода ҳаловат қилади, киши».

Газетада босилган «Раис нима дейди...» сарлавҳали хабар бундай бошланади:

«— Салом ўртоқ Лапенко. Колхозингиз районда энг кейинги колхоз ҳисобланади. Шунинг сабабини излашга келдик.

— Жуда яхши, марҳамат. Кўринг.

— Сиз раис. Яхши биласиз ҳосил мажбуриятга етарлими?

— Ўртоқ мухбир! Блокнотингизга 130 бўлади деб ёзиб қўйинг.

— Раис нима дейди, далада ҳосил мўл бўлса-ю, терим суръати паст бўлса, районда ҳаммадан кейин бўлса, юздан ортиқ колхозчи уйда ўтирса, 130 процент қилиш учун қайси ойни кутамиз».

Бу билан редакция ходимлари колхоз раиси Лапенкони танқид қилмоқчи бўлганлар. Ҳақиқатда эса бундай ноаниқ жумлалар, стилистик чалкашликлар кўзда тутилган мақсадни очиб беришга хизмат қилиши уёқда турсин, уни ҳеч нарса англашилмайдиган қилиб қўйган.

Ёки газетанинг шу йил 3 февраль сонида босилган район партия комитетининг XII конференцияси ҳақидаги ҳисоботни олиб қарайлик. Газетанинг бу материали ҳам юқоридагилар каби пала-партиш тузилган жумлалардан холи эмас. Масалан: «Ана шундай колхозлар тажриба алмаштириб, иш усулларимизни ўртоқлашмаётирмиз», «Районимиз меҳнаткашлари — чиниққан меҳнатсеварлар. Фақатгина улар ўртасида оммавий-сиёсий, партиявий-ташкилий ишларни кенг кўламда олиб бориш, уларни социалистик Ватанга, партияга ва ҳукуматга бўлган садоқат меҳрларини яна ҳам ўйготишга боғлиқдир» (?). «Пахта йиғим-терим кампаниясига ёнма-ён туриб (?) хизмат қилганлари учун районимиздан 50 киши партия ва ҳукуматнинг медаллари билан мукофотландилар» ва ҳоказо. Бундай ҳом-хатала жумлаларни газета саҳифасида ўқиган киши редакция ходимларининг газетачилик бобидаги «маҳоратлари»га «офарин» ўқимай иложи йўқ.

Сирдарё район партия комитети ўз органи бўлган «Қизил юлдуз» газета редакцияси ходимларининг масъулиятсизлик билан ишлашига, улар томонидан газетхонларга нисбатан қилинаётган ҳурматсизликка барҳам бериб, газета маданиятини оширишга эришиши лозим.

Барча ишлаб чиқариш воситаларидан унумли фойдаланиб, кўкламга пухта тайёрланайлик!

☆

Қишлоқ хўжалик асбоблари мавсумга тахт қилиб қўйилди

Чиноз районидаги Сталин номли колхозда ўтган йили пахта тайёрлаш давлат плани бажарилмаган эди. Колхоз правлениеси, партия ташкилоти ва барча колхозчилар бу йил артелни қолоқликдан чиқариш учун курашиб, кўклам экиш кампаниясига тайёргарликни кундан-кунга кучайтирмоқдалар. Бу ерда маҳаллий ўғит тўплаш ишларига, айниқса, катта аҳамият берилмоқда. Ҳозирга қадар далага 3400 тонна гўнг ташиб чиқарилди. Бу йил ҳар гектар ерга 10-12 тоннадан ўғит солинади. Ариқ-зовурларни тозалаш, уватларни текислаш ишлари ҳам қизғин олиб борилмоқда.

Колхоз аъзолари бу йил 500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давлатга камида 30 центнердан пахта топширишга аҳд қилдилар. Ана шу мақсадда чигит кўпгина майдонларга квадрат-уялаб экилади. Ҳозир 35 колхозчи чигитни квадрат-уялаб экишга ўргатилмоқда. Колхозда техникани кўклам экиш кампаниясига тайёрлаш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Барча қишлоқ хўжалик асбоблари — борона, сеялка, плуг, прицеп ва бошқа асбоблар сифатли ремонт қилиб қўйилди.

Ў. КАРИМОВ.

Колхоз устахонасида

Янгийўл районидаги Молотов номли колхозда ака-ука Расулевларни танимайдиган киши йўқ. Уларнинг номларини колхозчиларгина эмас, балки район меҳнаткашлари ҳам уста темирчилар сифатида ҳурмат билан тилга оладилар.

Ҳозир колхознинг темирчилик устахонасида иш қизғин. Ака-ука Расулевлар ҳам барча колхозчилар қатори кўклам экиш кампаниясига намунали тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар республика қишлоқ хўжалик илғорларининг XII қурултойида қабул қилинган Мажбуриятга амалий иш билан жавоб бериш учун барча қишлоқ хўжалик асбоблари ва транспорт воситаларини февраль ойининг охиригача тўла ремонтдан чиқариш учун сўз берган эдилар. Улар ўз аҳдларининг уддасидан чиқиб, 10 та автокачка, бирнеча арава ва мавжуд от культиваторлари, окучниклар, ўғитлагич машиналарини ремонтдан чиқариб, мавсумга тахт қилиб қўйдилар. Шунингдек, 2 минг дона гайка ва 1500 та болт тайёрладилар.

И. АҲМЕТОВ,
Х. ЗРАЛИЕВ,
Ш. КАМОЛОВ.

☆ ☆ ☆

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ

☆ ☆ ☆

Саодатнинг почтаси

Колхоз правлениесида Саодатга ҳар куни ўттиз-қирқлаб, ҳатто юзлаб хат келаётганлиги тўғрисида гапириб беришди. Бу хатлар қаерлардан келади денг. Саодат Камчатка балиқчиларидан, Донбасс шахтёрларидан, Урол металлургларидан, Тожикистон пахтакорларидан, Украина галлакорларидан, Болтиқбўйи республикаларидан, жонажон пойтахтимиз — Москвадан ва бошқа жуда кўп шаҳарлардан хат олиб турар экан.

— Саногидан ҳам адашиб қолдим, — деди у. — Ўйда бир сандиғимиз бор эди. Шу сандиқ хатга тўлди ҳисоб. Қайси куни укам санаб кўрибди, 5700 тага етган эмиш.

Беш минг етти юзта хат! Бу, оддий ўзбек қизига халқнинг битмас-туганмас муҳаббати эмасми? Саодат бу ҳурмат-иззатга нима туфайли эришди? Бундан икки йил илгари Саодатнинг исми ҳатто колхозидан районга ҳам тарқалган эмас эди. Саодатнинг исмини бутун Иттифоқимизга ёйган, шарафлаган унинг меҳнати, ватанпарварлик ҳисси бўлди.

Ҳозир Бўка районидаги Хрушчев номли колхоз илғор колхозлар safidan жой олди.

Донбасс шаҳрида турувчи Владимир Кириллович Зайцев қуйидагиларни ёзади:

«Сиз ўз меҳнатингиз билан «оқ олтин» яратасиз, биз эса мамлакатга «қора олтин» — кўмир етказиб берамиз. Пахтакорлар ва шахтёрларнинг иши барча касбдаги кишиларнинг меҳнати сингари шарафлидир. Биз ёшлар бригадасининг аъзолари ҳали катта ютуқларга эришмаган бўлсак ҳам, ҳар қалай ёмон ишламаяпмиз. Сиз ўз меҳнатингиз билан мамлакатимизда донг тараттингиз, биз ёш шахтёрлар ҳам меҳнат соҳасида Сиз сингари шарафли ўринга чиқиб олиш учун астойдил ишлаймиз. Уй ичингиздагиларга, дўстларингиз ва дугоналарингизга, колхозингизнинг барча аъзосига Донбасс шахтёрларидан салом топширишингизни илтимос қиламиз. Бизга жавоб хати юборасиз деб ишонамиз. Адресимиз: Сталинск области, Донбасс шаҳри, 21-шахта, Красная кўчаси, 10/15».

Саодатга келган хатлар хилма-хил, улар ичида Совет Армияси сафида хизмат қилаётган солдат ва офицерлар, колхоз далаларида фидокорона меҳнат қилаётган теримчи ва механизаторлар, колхоз, совхозларнинг раҳбарлари, ишчилар, хизматчилар, ўқитувчилар, врачлар ёзган хатни ҳам кўрасиз. Тожикистон ССРдан юборилган бир хатда бундай дейилади:

«Биз ҳам ўзбеклар сингари пахтакормиз. Колхозимизда Сиз сингари бўлмаса ҳам, Сизга етиш учун кўп пахта теришга ҳаракат қилаётган қизларимиз бор. Улар газеталарда босилган Сизнинг мақолангизни, иш тажрибангизни ўрганиш учун ҳаракат қиладилар. Саодатхон, Сиз бизга хат ёзиб юборсангиз. Теримчи қизлар шуни менгдан талаб қилишди. Сизга ҳурмат билан Раҳмон Усмонов. Бизнинг адрес: Сталинобод район, Шаҳринов шаҳри, Пушкин номли 2-мактаб».

СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ Саодат Гулаҳмедовага Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилгандан кейин хатлар оқими яна ҳам кўпайиб кетди. Колхоз почтальони Павел Кимнинг ҳикоя қилишига қараганда, Саодат қаҳрамон бўлгандан кейин орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас унинг номига бир кунда 160 та хат келибди. Бу хатларнинг ҳаммасида Саодатни энг олий мукофот — Ленин ордени ва «Уроқ ва болга» олтин юлдуз медали олганлиги билан табриклашарди.

Саодат билан янги келган хатларни ўқишиб, узоқ вақт ўтирдик. У, совет кишиларининг унга кўрсатаётган иззат ва ҳурматлари тўғрисида гоят ҳурсанд бўлиб сўзларди. Уларнинг бу иззат-ҳурмати ва Партия ҳамда Ҳукуматимизнинг колхозчи деҳқонларга кўрсатаётган меҳрибонлиги Саодатни янада кўпроқ пахта теришга, ана шу катта ишончни шараф билан оқлашга илҳомлантирарди. Бу йил Саодат 35 тонна пахта териб топшириш ҳаракатида эканлигини айтди.

— Бунчалик кўп пахта териш учун ҳосилни ҳам ошириш керак,— дейди чевар қиз, — мен бошлиқ звено бултур гектаридан 42 центнердан ҳосил етиштирган эди. Биз кўкламга яхши тайёрланиб, чигитни квадрат-уялаб экамиз ва ҳар гектар ердан 45 центнердан пахта етиштириш учун курашамиз.

Қаҳрамон қизнинг сўзи билан иши бир. Халқ ҳурматига, Партия ва Ҳукумат ҳурматига сазовор бўлган Саодат Гулаҳмедова 1957 йилда 35 тонна пахта териб, халқ олқишига сазовор бўлишига ишонамиз.

Меҳнат кишиларни шон-шарафга чулғайди, деб шуни айтадилар-да!

Суратда: Саодат Гулаҳмедова. У навбатдаги келган хатларни дугоналарига ўқиб бермоқда.

В. Салов фотоси.

Сайловни пухта тайёргарлик билан кутиб олайлик!

КОММУНИСТЛАР БИЛАН ПАРТИЯСИЗЛАР БЛОКИНИНГ НОМЗОДЛАРИ

Сайловчилар депутатликка кандидатлар билан учрашмоқдалар

Урта Чирчиқ район меҳнаткашлари область Совети депутатлигига кандидатураси кўрсатилган Каганович номли колхознинг донгдор сут соғувчиси Г. Ўрозалиева, район Советига депутатликка кандидат қилиб рўйхатга олинганлар — район омонат кассасининг мудири Р. Абдураҳмонова, Тўйтепа қишлоқ Советининг раиси С. Жумақулов, 13-мактаб ўқитувчиси М. Алиева, Каганович номли колхоз раиси Власов, район туғруқхонасининг акушери Аҳмадқулова, 1-мактаб ўқитувчиси Е. Бабенко, район халқ маорифи бўлимининг мудири Файзиев, район партия комитетининг секретари Отабеков ўртоқлар билан учрашдилар. Учрашувда сайловчилар ўз кандидатларига маданий-оқартув ишларини янада ривожлантириш, колхозчи ва механизаторларга маиший хизматни яхшилаш тўғрисида наказлар бердилар. Кандидатлар бу наказларни бажаришга сўз бердилар.

У. Холматов,
Т. Йўлдошев.

* * *

Октябрь район Эски Тошкент қишлоқ марказидаги сайловчилар меҳнаткашлар депутатлари область, район ва қишлоқ Советларига депутатликка кандидат қилиб кўрсатилган кишилар билан учрашдилар. 181-сайлов округидан область Советига депутатликка кандидатураси кўрсатилган Маленков номли колхоз раиси Сафаров, район Совети депутатлигига кандидатлар — Сталин номли колхоз раиси Долибоев, Пахта МТСининг илғор механизаторлари Охунова, Исаева ўртоқларнинг ишончли вакиллари кандидатларнинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти ҳақида гапириб бердилар.

Учрашув қатнашчиларидан бир неча киши сўзга чиқиб, кандидатларга бир қанча наказлар бердилар. Шундан кейин тўпланганларга «Совет демократияси — олий типдаги демократиядир» деган темада лекция ўқилди.

В. Холматов.

* * *

Оқиўрғон. Район марказига жойлашган Куйбишев номли колхоз клуби бир неча юз колхозчи, механизатор, ишчи ва хизматчилар билан лиқ тўла. Улар маҳаллий Советларга депутатликка кандидатлар билан учрашиш учун йиғилганлар. Йиғилиш қатнашчилари область Совети депутатлигига кандидат — Алимкент ёғ заводининг инженери Ҳакима Одилова ҳамда 11, 13, 14 ва 15-сайлов округларидан район Советига депутатликка кандидатураси рўйхатга олинган Ғ. Умаров, Б. Раҳмонова, Т. Ҳусанова, С. Умурзоқов ўртоқлар билан учрашдилар ва уларга бир қанча наказлар бердилар.

М. Канзафаров.

ЖАМОАТЧИ АЁЛ

Бундан икки йил муқаддам Қумри Обидова Паркент қишлоқ Советининг депутати қилиб сайланган эди. У, жамоатчилик олдидаги ўз вазифасини тўғри тушуниб, депутат халқ хизматкори деган шарафли номга муносиб ишларни қилди: қишлоқда маданий қурилиш ва ободончиликни авж олдириш, умумий - мажбурий қонунни амалга ошириш ишларига ўз ҳиссасини қўшди. Натижада Обидовага нисбатан бўлган ишонч ва ҳурмат яна ҳам ошди. Қишлоқ меҳнаткашлари бу йил уни Тошкент область Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатишди. Обидова кандидатураси 117-Чанги-Хисарак сайлов округидан овозга қўйиш учун рўйхатга олинди.

Ғайратли ва фидокор бу аёл ўзининг онгли ҳаётини халқ маорифини ривожлантириш, ёш авлодни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш ишига бағишлаб келмоқда. Низомий номидаги Тошкент педагогика институтини тамомлаганидан сўнг, 1946-47 йилларда Обидова Тошкент область халқ маорифи бўлимининг сиртқи ўқиш бўйича методист-инспектори бўлиб ишлайди. Сўнг Тошкентдаги 20-болалар уйининг тарбиячиси этиб тайинланади. 1948-50 йилларда Тошкентдаги 8, 9, 33-болалар уйларида тарбиячи бўлиб ишлайди. Тарбиячи вазифасида ишлаш ўртоқ Обидовага болалар характеридаги нозик хусусиятларни, тарбиянинг турли методларини эгаллаб, педагогик маҳоратни ошириш имкониятини берди. Кейинчалик Қумри халқ маорифи соҳасида ўқитувчи, мактаб директори, инспектор вазифаларида ишлайди.

Қумри Обидова 1952 йилда Паркент районига келади. Бу ерда ҳам халқ маорифи ишида жон куйдириб хизмат қилиш билан бирга, жамоат ишларида актив қатнашади. У ҳозир Карл Маркс номли 1-ўрта мактабнинг 8-10-синфларида ўзбек тили ва адабиётидан дарс бераётир. Шу билан бирга, халқ маорифи ходимлари касаба союз район комитетининг раиси, район партия комитети пленумининг аъзоси ҳамдир.

Халқ иши учун жон куйдирувчи ўртоқ Қумри Обидовага яқдиллик билан овоз берамиз.

Й. МАНСУРОВ,
Паркент районидаги 13-мактаб ўқитувчиси.

Моҳир бульдозерчи

Коммунальная кўчаси Олмалиқдаги обод ва осойишта кўчалардан ҳисобланади. Кўчанинг ўртасига ва тротуарларга асфальт ёқизилган, икки томонда типовой уй-жой биноларидаги қад кўтариб турибди, соя берувчи манзарали дарахтлар мавж уриб ўсмоқда. Кўкламда бу кўча, айниқса, гўзал бўлиб кетади. Меҳнаткашларга яхши маданий хизмат кўрсатаётган ҳаммом ва озиқ-овқат магазини ҳам шу кўчага жойлашган.

Бу кўчада истиқомат қилувчиларнинг кўпчилиги қурилишларда мастер, прораб ва оддий ишчи бўлиб хизмат қиладилар. Улар ўзларининг тўқ ва маданий турмушидан мамнун.

Ана шу кўчада кўпинча сиз қорачадан келган, қотма, кўз қарашлари жиддий бир кишининг айланиб юрганини кўрасиз. Одамлар уни узоқдан кўришлари билан:

— Депутатимиз Умар Эргашев келаяпти. У бизникига тез-тез кириб туради, — дейишади.

Ўртоқ Эргашевни Коммунальная кўчасидагиларгина эмас, шаҳар аҳолисининг кўпчилиги яхши танийди. У Олмалиқ шаҳрига 1951 йилда келган, янги социалистик шаҳарнинг бунёдга келиши ва обод бўлишининг жонли гувоҳидир.

— Дастлабки йилларда бу ерлар бийдай чўл эди. Кўриб турганингиз Коммунальная, Комсомольская, Свердлов кўчаларининг тахтачага ёзилган номигина бор эди, холос.

Моҳир бульдозерчи Умар ака ҳозирги обод кўчаларнинг кўпчилигида планировка ишларини бажарган. У 3-қурилиш бошқармасида уста бульдозерчи сифатида машҳур, номи ҳурмат тахтасидан тушмайди. Ўртоқ Эргашев билан бирга ишловчи ўртоқлари унда жамоат иши учун астойдил жон куйдириш хусусияти борлигини сезиб қолишди. Агар умумколлектив манфаати ўртага кўндаланг қилиб қўйилса, Умар ака кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилаверади.

Шунинг учун ҳам у ўтган сайловда Олмалиқ шаҳар Советига депутат қилиб сайланди. Коммунальная кўчасида турувчи сайловчилар унга овоз бердилар.

Ўртоқ Эргашев яхши бульдозерчи эди-ку, лекин депутатлик ишида сира тажрибага эга эмасди. Сайловдан сўнг у шаҳар Советига маслаҳатга борди. Унга сайловчилар билан қандай алоқада бўлиш, наказларни бажариш тўғрисида фойдали маслаҳатлар беришди.

— Қийинчиликлар олдида руҳингиз тушмасин, ташкилотлар олдида сайловчилар манфаатини ҳимоя қилишга тўғри келиб қолса, принципиал бўлинг, — дейишди.

Шундан сўнг депутат наказларни бажаришга жиддийлик билан киришиб кетди... Коммунальная кўчасининг жанубида қурилаётган магазинни тезда биткизиб, ишга туширишда Умар ака жонбозлик кўрсатди.

Депутат Коммунальная кўчасида яшовчи сайловчилар билан тез-тез учрашиб туради. Уларнинг шахсий ҳаёти билан ҳам қизиқади, зарур ёрдам кўрсатади. Бу кўчадаги ободончилик ишларининг ҳар бири депутат Умар ака номи билан боғлиқдир.

Бошқаларга кўпроқ яхшилик қилиш, халқ манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш, мустаҳкам иродалилик, ишда ижчил ва жонкуярлилик, камтарлик — Умар Эргашевга хос хусусиятдир.

Умар ака бу йил Тошкент область Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатилди. Депутат билан бўлиб ўтган учрашувда сайловчилар коммунистлар билан партиясизлар блокининг муносиб кандидати ўртоқ Эргашевга яқдиллик билан овоз беражакларини айтдилар.

Н. ГОРОДНИЧЕНКО,
«На социалистической стройке» шаҳар газетасининг ходими.

Пискентликлар муваффақиятлардан мағрурланмасликлари керак

Ўтган йили Пискент район меҳнаткашлари пахтачилик соҳасида катта ютуқларга эришдилар. 9820 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 18 центнер ўрнига 21,5 центнердан ҳосил етиштирилди ва олинган социалистик мажбурият ошириб бажарилди. Айрим колхозларда ҳосил янада кўп бўлди. Меҳнатда эришилган бу ютуқлар эвазига кўп кишилар СССР ордени ва медаллари билан мукофотланди. Икки киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Унвонини олди. Бу воқеа фақат пискентлик ўртоқларнигина эмас, областимизнинг барча меҳнаткашларини ҳам қувонтирди. Бу йил пискентликлар шу катта ҳурматга яраша ишлашлари, ўтган йилги ютуқларни мустаҳкамлашлари, партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлигига амалий иш билан жавоб беришлари керак.

Хўш, Пискентда шундай қилинаяптими? Афсуски йўқ. Афтидан уларнинг қўллари ҳали ҳам тантанабозликларга бўшамаганга ўхшайди. Шунинг учун ҳам ҳозиргача Пискентда кўкламга тайёргарлик кўришда ҳотиржамлик, беғамлик, тантанабозлик ҳукм сурмоқда. Бунинг устига қоғозбозлик ҳам авж олган.

СЕМИЗ ПАПКА ҚИССАСИ

Пискент район сув хўжалиги ишлаб чиқариш участкасидаги ишлар билан танишсангиз, кўз олдингизда бир семиз папка намоён бўлади. Бу папкада колхоз раҳбарларига уларни қайта-қайта огоҳлантириб ёзилган қоғозлар тикиб қўйилган. Қоғозларнинг ҳаммасига район партия комитетининг биринчи секретари Латипов, район ижроия комитетининг раиси Усмонов ўртоқлар қўл қўйганлар. Ҳақиқатда бу қоғозлар колхоз раҳбарлари топшириқни менсимай қўйиб, ариқ-зовурларни тозалаш ишлари тўхтаб қолганидан кейин ташвишга тушиб қолган ишлаб чиқариш участкасида инженерлик вазифасини бажарувчи ўртоқ Абдилҳаевни юпатиш учун ёзилган бўлиб чиқди. Чунки хотиржамликка, беғамликка ва тантанабозликларга берилиб кетган колхоз раҳбарларига бу қоғозлар кор қилмади — ирригация ишларида ҳеч қандай жиддий силжиш бўлмади. Масалан, район ижроия комитетининг 1956 йил 20 декабрда қабул қилган қарорида 97240 кубометр ҳажмдаги ариқ-зовурлар тозалаш ишини 5 январда тамомлаш, бунинг учун ҳар куни бу ишга 3800 киши сафарбар этилиши белгиланган эди. Дастлаб бир қатор колхозларда унча-мунча иш қилинди — 5 январгача 13225 кубометр ҳажмда ариқ-зовурлар тозаланди. Лекин шундан кейин иш тақа-тақ тўхтаб қолди. Район раҳбарлари эса чиқарилган қарорларнинг бажарилишини амалий иш билан таъминлаш ўрнига қоғозбозликни кучайтирдилар. Аммо колхоз раҳбарлари бу қоғозларни назарписанд қилмасдан, ҳали ҳам пинакларини бузмай юрибдилар.

Шунинг учун районда ирригация тармоқларини тозалашгина эмас, далага ўғит чиқариш, минерал ўғитларни ташиб олиш каби муҳим тадбирлар ҳам ўлда-жўлда бўлиб қолган.

«ЭНДИ КИРИШМАСАК БЎЛМАЙДИ ШЕКИЛЛИ...»

Яқинда область партия комитетида районда кўклам экиш кампаниясига тайёрликнинг аҳволи муҳокама қилиниб, ишнинг бориши мутлақо қониқарсиз деб топилган эди. Бу қарор район раҳбарларига ҳам, колхоз раҳбарларига ҳам жиддий сабоқ бўлиши, колхозларда кўклам экин кампаниясига тайёрлик ишларининг ҳар тарафлама қизитиб юборилиши керак эди. Бироқ кўп колхозларнинг раҳбарлари кўкламга тайёрланишда бирор дуруст иш қилаётганлари йўқ.

Ўртоқ Абдулла Омонтоев Андреев номли колхозда раис бўлиб ишлайди. Колхозда кўклам экин кампаниясига тайёрлик юзасидан ҳали мутлақо иш қилинмаган деса бўлади. Ўртоқ Омонтоев билан суҳбатлашганимизда у бизга, «тайёрлик кўраяпмиз, ишлар кетаяпти, ҳаракат қилаяпмиз» деб гапира бошлади. Биз ундан:

— Далага 4500 тонна маҳаллий ўғит чиқарилиши лозим эди, энди 7 тонна чиқарилибди, тўғрими? — деб сўрадик.

— Тўғри, тўғри, шу ишимиз сал чатоқроқ, тўғрилаймиз, — деди ўртоқ Омонтоев.

— 135 тонна минерал ўғитдан ҳалигача бир грамм ҳам ташиб олинмабди-ку, бунисиними бўлди?

— Энди пул ўтказмоқчимиз, бу ҳам тўғриланади.

— Ариқ-зовурларни тозалаш қалай?

— Бу ишга ҳам киришамиз, ҳаракат қилаяпмиз, мажлислар ҳам бўлди, қўймаймиз, бажарамиз, албатта.

— Ҳаракат қилингани шуми? 5211 кубометр ўрнига энди 405 кубометр ариқ тозаланибди!

Омонтоев блокнотини титкилаган бўлди, ҳижолатдан пешонасини ушлади.

— Тўғри, тўғри. Энди бу ишларга киришмасак бўлмайдиганга ўхшайди.

Охунбобоев номли колхоз раиси Нормурод Раҳмонов, Хрушчев номли колхоз раиси Ҳолиқул Абдуқулов, Сталин номли колхоз раиси Худойберди Ҳайдаров, Ленин номли колхоз раиси Тожибой Худойберганов ўртоқлар билан ҳам кўклам экин кампаниясига тайёрлик ҳақида суҳбатлашиб қолсангиз, улардан ҳам ўртоқ Омонтоев сингари «энди киришамиз, тўғрилаймиз, киришмасак бўлмайди шекилли» деган жавобни эшитасиз.

Бу колхозларнинг раҳбарлари ҳам ариқ-зовурларни тозалашга, далага маҳаллий ўғит чиқариш, минерал ўғитни ташиб олиш ва бошқа ишларга ўтакетган даражада бепарволик билан қараб келмоқдалар. Тўғриси, ҳозир Пискент районида кўклам экиш кампаниясига дуруст тайёрлик кўраётган биронта колхозни топиб бўлмайди. Масалан, районда ҳозиргача 88 минг тонна маҳаллий ўғит ўрнига бор-йўғи 6674 тонна маҳаллий ўғит тайёрланган, азотли минерал ўғитнинг 45 процента олинмаган. Ирригация тармоқларини тозалашга ҳар куни 3850 киши ўрнига кўпи билан 306 киши ишга чиқаётир. Киров номли, Охунбобоев номли, «XIX партсъезд», Карл Маркс номли, Жданов номли бир қатор колхозларда ирригация ишларига бирорта ҳам киши қатнашмаяпти.

Районда экскаваторлар билан 371 минг кубометр ҳажмда иш қилиниши, бунинг учун иккита машина ишлаб туриши лозим эди. Лекин экскаваторлар билан қилинаётган ишлар ҳам қаноатлантирмайди. Масалан, январь ойида 33 минг кубометр ўрнига 20 минг, февраль ойида 33 минг кубометр ўрнига 15 минг кубометр иш қилинган. Бунга сабаб шуки, 59-экскаватор 10 кун кечикиб ишга туширилди, Молотов номли колхозда ишлаб турган 229-экскаваторга ёнилги ўз вақтида етказиб берилмагани учун уч кунгача бекор турган. Экскаватор участкасининг бошлиғи ўртоқ Мирзагариев ўз вазифасини мутлақо қониқарсиз бажармоқда.

Районда қанча ерга квадрат-уялаб чигит экиш масаласи ҳам ҳамон ҳал қилинмаган. Районнинг баъзи раҳбарлари, 1-МТС зонасида квадрат-уялаб чигит экиш мутлақо мумкин эмас, дейдилар. МТСнинг бош агрономи ўртоқ В. Пак, 700 гектар ерда квадрат-уялаб чигит экса бўлади. дейди. Мана шунинг учун бу МТСда квадрат-уялаб чигит экиш ишига тайёрлик кўришда аниқлик йўқ. Фақат икки колхоздан келган экипаж аъзолари билан квадрат-уялаб чигит экиш юзасидан амалий машғулот ўтказилган.

Пискент районида кўклам экиш кампаниясига тайёрлик тўғрисида гап-сўзлар, мажлислар, қарор чиқаришлар, уст-устига қоғозлар ёзиш кўп бўляпти-ю, амалий иш бўлмаяпти. Райондаги ўртоқлар бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирамиз дейдилар, лекин мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим омили бўлган тадбирларни амалга ошириш учун жиддий киришмаётирлар. Пискентда кўклам экиш кампаниясига кўрилаётган тайёрлик ёмон аҳволда.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.



Агитация ишлари мазмунли ўтмоқда

Тошкент тўқимачилик институти биносида Тошкент область, шаҳар ва район Советларига сайловлар ўтказувчи 131 ва 139-сайлов участкаларининг агитпунктлари жойлашган.

Бу агитпунктларга уюшган 10 дан ортиқ агитбригадалар шу кунларда меҳнаткашлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Агитбригадалар Шота Руставели, Академическая, Герцен, Чернишевский, Прядильная, Балакирова ва бошқа кўчалардаги хонадонларда депутатликка кандидатлар ва сайлов тартиби ҳақида суҳбат ўтказмоқдалар. Ўқитувчи ўртоқ Турғун Аҳмедов раҳбарлигидаги агитбригада Муқимий, Осипенко кўчаларидаги хонадонларда кексалар ва пенсионерлар билан суҳбат ўтказаётирлар. Бригада шаҳар Совети депутатлигига кандидатураси кўрсатилиб, рўйхатга олинган тўқимачилик комбинати 1-тўқув фабрикасининг ёрдамчи мастери Зоҳид Саидовнинг таржимаий ҳоли ва меҳнат фаолиятини тушунтирмоқда.

Агитатор Ўртоқ Муъталбар Ёдгорова яқинда пенсионер Ханифа Бозорбоеванинг уйида суҳбат ўтказди. Суҳбатга 20 дан ортиқ сайловчи қатнашди. Ўртоқ Ёдгорова ҳукуматимизнинг пенсия ҳақидаги Қонунини, ҳомиладор аёлларга қўшимча отпуска бериш, партия ва ҳукуматимизнинг хотин-қизлар тўғрисида қилаётган катта ғамхўрликлари тўғрисида гапириб берди. Суҳбатдан гоят мамнун бўлган пенсионер Бозорбоева бундай деди:

— Илгарилари золим бойларнинг мудҳиш зулмлари, аёлларни одам қаторида ҳисобламай, ур-калтак қилганликларини кўз олдимга келтирганимда юрагим орқага тортиб кетади, совет хотин-қизлари нақадар бахтиёр, қувноқ ҳаёт кечираётганликлари кўз олдимда янада тўла гавдаланади. Мана, мен ҳозир совет замонасида қариган чоғимда давлатдан пенсия олмоқдаман. Бундай ғамхўрлик қилаётган партия ва ҳукуматимиз яшасин, дейман.

Ўртоқ Каттахўжаев мудир бўлган агитпунктда агитаторларнинг тез-тез семинари бўлиб туради. Яқинда 200 дан ортиқ агитаторлар иштирокида семинар ўтказилди. Семинарда Тўқимачилик институтининг партбюро секретари Ўртоқ Пўлатов агитаторларнинг навбатдаги вазифалари ҳақида инструктаж доклад қилди.

Р. АМИНОВ.

ФЕЛЬЕТОН

ДАСТИНГДАНЕЙ, ДАСТИНГДАН...

— Дод, халойиқ, ёрдам беринг, ёрдам! Фамилиямни ўзгартиришга қандай ҳақингиз бор? Сочимни қирқманг, юзимни бўяманг!..

Бу шовқин-сурон кўтарилган вақтдан бери бир неча баҳор келиб, чечак очди, ҳазон сочди. Ўша вақтларда бу фарёдни эшитган халойиқ таажжуб билан ҳар томонга бақди, пинҳоний маъсумага ачинди, маъсумани қийнаган кимса инсофга келар деган андиша билан унга ҳеч нима демади... Шу-шу «дод дастингдан» деган фарёд гоҳ у ёқдан, гоҳ бу ёқдан эшитиладиган бўлиб қолди... Хўш, пинҳоний маъсумалар нега фарёд қилади?

Ажойиб кунларнинг бири эди. «Роҳат»хон пойтахтимизнинг обод, серқатнов кўчаларида сайр қилиб, мулойим табассум билан одамлар қалбига интиҳосиз завқ бахш этиб юрарди. «Роҳат»хоннинг сайридан газабланган икки сартарош уни ўз дўконларига имладилар. Ҳа, имладилар! Биров сизни имласа, нима иши бор экан деб сиз ҳам борасизда. «Роҳат»хон остона ҳатлаб ичкари кирган ҳамон икки забардаст, чапдаст сартарош бири сочидан, бири қўлидан маҳкам ушлади-да, уни курсига зўрлик билан ўтқаздилар. Сўнг бири қайчи, бири устарани олиб, сочларини қирқишди, жамалагини юлишди, бу ҳам етмагандай бизнинг фамилиямизга ўтасан деб исканжага олишди. Қутилишнинг чорасини тополмаган «Роҳат»хон ноилож сартарошларнинг фамилиясига ўтди.

«Роҳат»хон сартарошхонадан чиқар экан, эгнидаги кийими ҳам ўзгарганди. У ўзига назар ташлар экан, таъби ланж бўлди, уялганидан юзини яшириб, хилват кўчалар билан аранг уйига етиб келди. «Роҳат»хонни бу аҳволда кўрган туғишганлари, кўни-қўшнилар ҳанг-манг эди. Гап шу билан босилиб кетса майли эди-я. Аммо ундай бўлмади. Сартарошлар «Роҳат»хонни биз «бриться» қилдик деб, идораларидан алла қанча хизмат ҳақини дўндириб олдилар. Воқиадан бехабар чопар ҳам орқа-олдини суриштирмай, «Роҳат»хон Халқникиева дейиш ўрнига «Роҳат»хон фалончиевалар деб сартарошларнинг фамилиясини жар солиб юбораверди.

«Роҳат»хонни «бриться» қилган сартарошлардан бири чеварлик билан ҳам шуғулланар экан. Машиначи тушмагур сартарошликдан ҳоли бўлган пайтларда кўчага чиқадида, кўзига яхши кўринган қизларнинг олдига келиб, ҳозир мен билан устахонамга борасан ёки шу ерда шармандангни чиқараман деб туриб олади. У бир куни устахонасидан ташқарида — чаманзорда қўл ушлашиб кетаётган икки таниш қизни кўрдию, осмондан тушдими, ер тагидан чиқдими, иш килиб уларнинг қошида ҳозир бўлди. Қизлар чўчиб, орқага тисландилар. Шунда машиначи:

— Ҳой қизлар, танимаяпсизларми, қани, марҳамат, кийимларингизни тузатиб бераман, — деди.

— Йўғе, сарпомиз бежирим, тузатишга муҳтож эмас, — жавоб беришди қизлар.

Қайда дейсиз, машиначимиз дарров кўнадиган киши эмаски, қизларни қўлдан чиқарса! У шилқимлик қилиб, бирининг енгидану, иккинчисининг этагидан бураб олди, агар олдимга тушмасангиз, дабдала киламан деб тортқилай бошлади. Дугоналар кийимдан жудо бўлишни истамадиларми ёки ади-бади айтишишни эп кўришмадими, ҳайтовур машиначининг кетидан эргашди.

Машиначи уларни хонага олиб киргач, ларҳол эшикни ичидан беркитди. Пўписа билан кийимларини ечиб олди-да, бирининг енгини олиб иккинчисиникига, иккинчисининг енгини олиб биринчиникига қўндирди, таъбига ўтирмади шекилли, иккисининг кийимидан битта кийим тикди ва уни дугоналарга узатар экан:

— Ҳамонки иккингиз бир-бирингиз билан дўст экансиз, икки сарпонинг ҳожати йўқ, манави чодирни олингу, ёпиниб юраверинг, — деди.

Ва чора, бўладиган иш бўлди. Дугоналар кетишга ҳозирланар экан, машиначи уларни стол олдига бошлаб келди ва юз ҳийла-найранг билан алдаб, ўз фамилиясига ўтказиб олди... Яна хизмат ҳақи олинди, яна жаҳ солинди.

Орадан кўп ўтмай, дугоналар ўз исмлари: «Улуғ норин» ва «Патнис III баёти» ўрнига «Меҳнат аҳли» бўлиб, фамилиялари ҳам «Халқниқиева» ўрнига фалончиева деб эълон қилинганини эшитиб, бармоқларини тишладилар. Кўрган, эшитган, билганлар эса ҳайрон!..

Ҳурматли газетхон, биз бошлаган ҳикоянинг ҳакиқий манзараси мана бундай: 1939 йиллар эсингиздадир. Ўша йилларда «Улуғ норин» деган пластинка бўларди. Ашула ҳам, куй ҳам нақадар дилрабо! Бу куй шу ном билан аталганидан деярлик эллик йил олдин бунёдга келган. Севиб айтилган халқ куйи. «Патнис III баёти» ҳам халқ куйи сифатида кўпдан бери мавжуд. Икки халқ куйидан яратилган «Меҳнат аҳли» куйига қарши эмасмиз, аммо от кимники, минганники бўлиб, Муҳаммаджон Мирзаевнинг номига ўтиб кетганига ҳайронмиз. «Роҳат» ҳам роҳати жон, бироқ халқники дейиш ўрнига Мирзаев ва Петросянники дейилиши тишга тегади.

«Ёр истаб» ва «Мустазод» куйларининг тақдири ҳам ана шунақа. Аслини олганда «Ёр истаб» куйи «Патнисаки» куйининг хонақороқ қилиб айтиладиган туридир. Халқ бу куйни шу куйнинг фамилиясини ўзлаштирган автор туғилмасдан анча олдин биларди. Ана шу куйнинг ёнига ҳаммага маълум бўлган ҳоразм халқ куйларидан «Мустазод» жуфтлаштириллдию, Мирзаевники бўлди-кетди. Ахир, бу куй 1930 йилларда радиодан эшиттирилгани сир эмас-ку!

«Гулузорим» куйига нима дейсиз? Бу куйнинг қандай қилиб Габриляниники бўлиб қолгани кишини таажжублантиради. 1931 йилда пластинкага олинган ва Ҳожи Абдилазиз номи билан боғлиқ бўлган бу куйнинг фалончиники бўлиб кетиши қизиқ-да! «Муборак», «Фарғонача шаҳноз», «Сояи», «Олҳабар», «Ажам», «Илғор» каби халқ куйлари кимнинг ижоди деб жар солинаётганини айтмасак ҳам бўлади. Бу куйлар ҳам ўзгартирилиб, «эгаси»га холис, беминнат даромад манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Пинҳоний маъсумалар — халқ куйлари тайёр ошга баковул эгаларини кўрганда маюслик билан «дастингданей, дастингдан» деб нола қилмоқда.

Бу куйларку кўп яхши куйлар. Халқимиз бу куйларни жон-жон деб тинглайди. Нима қиладики, айрим композиторларимиз ҳаммага манзур бўлган халқ куйларини тарашламасдан, этагидан олиб енгига уламасдан, «меники» қилиб олмасдан ўзлари ҳаммабоп, оригинал куй яратсалар? Композиторларимиз бунга нима дер эканлар? Улар нима десалар деяверсинлар, аммо айрим композиторларимизнинг бундай «сартарошлик» ва «машиначилик» билан шуғулланаётганликларига Ўзбекистон совет композиторлари союзининг индамай келаётганлиги таажжубланарлидир.

Сами РАҲИМ.

Бир жуфт қуллуғ!

Сирдарё район матлубот союзига қарашли ошхонада таажжуб воқиа содир бўлди: кухнядан чиққан катта қора от столларнинг унисидан-бунисига ўтиб, хўрандалардан қолган нон бурдаларини тумшуғини чўзиб, олиб еб юради. Бу суллах итга на буфетчи, на официанткалар индайди.

— Бу қандай гап, дастурхонларни ҳидлаб юрибди? — деди хўрандалардан бири.

— Ҳой, ҳайдасаларинг бўлмайдими! — деди яна кимдир.

Хуллас, бир зумда ошхонанинг ичи гала-говур бўлиб кетди. Ҳар ким ҳар қаёқдан «итни ҳайданг!», «ҳайданг у итни!», «эгаси ким?» деб бақириб-чақирарди.

— Бу ит шу ердаги қоровулнинг ити бўлса керак, — деди кимдир биров.

Бу орада, ташқарига ҳайдаб юборилган ит бошқа томондаги эшикдан яна ичкарига кириб келган эди.

— Ана, яна келди, қоровулнинг ити бўлса, ахир эгаси боқиб олсинда!

— Эпласа ит боқсин-да, ўзим қоровулман деб итини ошхонага ҳайдаб қўядими?

— Беҳуда гап, — деди ошхона ичидаги буфетчи, — ҳеч қандай қоровулнинг ити эмас, бу ит шефповаримиз Владимир Сергеевич Малаховнинг ити, зотдор ит.

Шу пайт кухнядан новча шефповар Владимир Сергеевич чиқиб келди. У, гирт мастлигидан оёғида туролмай, шамолда тебранган теракдай гандираклар эди.

— Итни койи-койманглар, — деди у дудуқ кишидай сўзларни қиймалаб, — бу менинг итим. Зотдор ит! Таърифи дунёга кетган гардон зотидан. Пират! Пират! Қаёқдасан!..

Шефповарга ўнлаб хўрандалар ҳам, ошхона директори Мамет Гажиев ҳам бас келолмади. У ўз итини мақтаб тоза алжиди, оғзидан боди кириб шоди чиқди... Тўсатдан район милиция бўлимининг ходимлари овқатланиш учун кеди қолди-ю, хўрандалар тинчиди. Шефповар Малахов олиб чиқиб кетилди.

Ҳурматли газетхон «бу бир бўлиб қолган тасодиф воқиадир-да» деб ўйлар. Асло ундай эмас! Ошхонанинг «таклиф ва шикоят» дафтарига бир қиё боқилса кифоя, ҳамма иллат ойнадай равшан бўлади қолади. Маҳаллий Совет депутати. Ш. Арзуметов, ўқитувчи Н. Межченко, хўранда Петросян ва бошқа ўртоқлар овқатларнинг бемаза, сифатсиз эканлигини, бу эса шефповар Малаховнинг ўз вазифасига ўтакетган бепарво қараётганлиги оқибатида рўй бераётганлигини, саёқ «Пират» ҳаммани безор қилганлигини қуйибпишиб шикоят дафтарига ёзганлар.

Нима ҳам дер эдик, лаззатлиси ўрнига бемаза овқатлар тайёрлаётган, арақхўр шефповар Малаховнинг бошини силаб юрган ошхона директори Гажиевга «раҳмат!» ўрнига «бир жуфт қуллиг!» деймиз-да.

М. ИКРОМОВ,
У. ЖОНГИТОВ.

Жаҳон касаба союзлари Федерацияси эркин касаба союзлар халқаро конфедерациясини Жазоирдаги урушга қарши биргаликда ҳаракат қилишга чақирмоқда

ПРАГА, 25 февраль. (ТАСС). Бугун бу ерда эълон қилинган ахборотда айтилишича, 1957 йил 15 февралда Жаҳон касаба союзлари федерациясининг (ЖКФ) бош секретари Луи Сайян эркин касаба союзлар халқаро конфедерациясининг бош секретари Ольденбрукка қуйидаги мазмунда хат юборган:

«Азиз ўртоқ!

Сизнинг ташкилотингизга 1956 йил июнь ойида юборилган баёнотда Жаҳон касаба союзлари федерацияси Жазоирда тинчлик ўрнатилишига ва жазоир халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини эркин равишда амалга оширишга кўмаклашмоқ учун ҳамма мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг маслаклари ёки қайси касаба союзга мансублиқларидан қатъий назар улар билан касаба союзлари ўртасида жуда кенг миқъёсда ҳаракат бирлигини ўрнатишни мақсад қилиб ҳар қандай касаба союз ташкилоти томонидан кўрсатиладиган ҳар қандай ташаббусни қўллаб-қувватлашга ўзининг тайёр эканлигини билдирган эди.

Шундан бери Жазоирдаги аҳвол ёмонлашди ва жазоир касаба союзларига ҳамда халқига қарши қилинаётган репрессиялар кучайиб кетди.

Биз шу нарсани қайд қиламизки, ўртамизда олдиндан бир битимга келинмаганлигига қарамай бизнинг ташкилотларимиз Жазоир проблемасини ҳал қилиш тўғрисида умумий нуқтаи назарга эгадирлар.

Халқаро меҳнат ташкилотида сиз ва бизнинг айтган гапларимиз бунинг далилидир.

Барча мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг астойдил интилишларига мос бўлиб тушаётган бундай позиция бизларни қон тўкилишни тўхтатиш мақсадида биргаликда ҳамкорлик қилишимизга олиб келиши ва шу билан бирликда урушнинг тўхтатилишига, Жазоир халқининг мухтор вакиллари билан музокаралар бошлаб юборилишига анча ёрдам бериши мумкин.

Жаҳон касаба союзлари федерацияси ўз ижроия комитетининг 1957 йил 29 январь — 1 февралда бўлиб ўтган 13 сессиясида Жазоирдаги аҳволнинг ривожланиб бориши барча меҳнаткашларнинг ва барча касаба союз ташкилотларининг ҳаракат қилишини талаб этади, деб кўрсатиб ўтди. Шунинг учун ҳам у 1957 йил 7 апрелдан 14 апрелгача бўлган ҳафтани курашиш ва Жазоир халқи билан халқаро бирдамлик ҳафтаси деб эълон қилишни зарур деб топди.

Барча меҳнаткашларнинг ва барча касаба союз ташкилотларининг биргаликда ҳаракат қилиши натижасида уруш ҳаракатларини мумкин қадар тезроқ тўхтатишга ҳамда Жазоир халқининг миллий истакларини амалга оширишга ёрдам беришга қодир бўлган янги кучлар майдонга чиқиб қолур деган умиддамиз».

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ XI СЕССИЯСИ

НЬЮ-ЙОРК, 25 февраль. (ТАСС). Бугун эрталаб махсус Сиёсий комитет АҚШнинг халқ демократияси мамлакатларининг ички ишларига аралашаётганлиги ҳамда шу давлатларга қарши душманчилик билан қўпорувчилик ишлари олиб бораётганлиги тўғрисида Совет Иттифоқи томонидан киритилган масалани муҳокама этишга киришди. СССР делегациясининг бошлиғи В. В. Кузнецов катта нутқ сўзлади.

Сиёсий комитет Ғарбий Ириан тўғрисидаги масалани муҳокама қилишни давом эттирмоқда.

Киси Япония бош министри қилиб сайланди

ТОКИО, 25 февраль. (ТАСС). Истеъфо берган Тандзан Исибаси ўрнига бугун парламентда Японияннинг янги бош министри сайланди. Овоз бериш натижасида либерал-демократик партиянинг кандидати Нобусуке Киси бош министр бўлди. Исибаси кабинетида Киси ташқи ишлар министри бўлган эди. Киси кабинет тузишга киришди.

ЯПОНИЯНИНГ ЯНГИ КАБИНЕТИ ТУЗИЛДИ

ТОКИО, 25 февраль. (ТАСС). Бош министр Нобусуке Киси янги кабинет тузди. Киси ташқи ишлар министри вазифасини ҳам бажаради. Янги кабинет состави аввалгича қолди, фақат либерал-демократик партия раҳбарларидан бири Исии лавозимсиз министр сифатида бу кабинет составига киритилган. Матбуотнинг хабар беришича, бош министр Киси ўз ўтмишдоши баён этган сиёсатни давом эттиражагини айтган.

Марокаш ҳукуматининг талаби

ПАРИЖ, 25 февраль. (ТАСС). Париж газеталарининг хабарида айтилишича, Марокаш ҳукумати француз қўшинларининг Марокаш территориясида бўлиши ва Марокашнинг жанубий чегараларини белгилаш билан боғлиқ бўлган масалалар тўғрисида Франция-Марокаш музокараларини бошлашни расмий равишда талаб қилган. Бу талаб Францияннинг Марокашдаги муваққат ишлар вакили Лалуэттга Марокаш ҳукуматининг фавқулодда мажлисидан кейин ёзма шаклда топширилган. Париж газеталари бу воқиага Франция-Марокаш муносабатлари ёмонлашганлигини кўрсатувчи янги белги деб баҳо бермоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИДА ТАРИФЛАР КАМАЙТИРИЛДИ

Граждан ҳаво флотининг Ўзбекистон бошқармаси республика чегарасидаги маҳаллий ҳаво йўлларида ва жумладан, Тошкент — Нукус, Тошкент — Самарқанд, Тошкент — Бухоро, Тошкент — Урганч ва бошқа йўлларда поссажирлар ташиш тарифларини ўрта ҳисобда 30 процент камайтирди. Масалан, агар илгари Тошкентдан Нукусгача бир билет 370 сўм турган бўлса, ҳозир эса — 290 сўм бўлди.

Тошкент — Нукус ва Тошкент — минерал суви йўлларида «ИЛ—2» самолётлари ўрнига тезучар ва яхши жиҳозланган «ИЛ — 14» поссажир ҳаво кемалари қатнайбошлади. Ҳозир улар белгиланган жойгача ерга қўнмай бетўхтов учиб бормоқдалар.

27 февралдан бошлаб Тошкент — Москва йўлида «ТУ — 104» реактив пассажир самолёти мунтазам равишда қатнай бошлайди. Самолётлар Ўзбекистон пойтахтидан ҳар Чоршанба куни Москва вақти билан соат 9 дан 20 минут ўтганда учади.

ТЎРТ АРАБ ДАВЛАТИ БОШЛИҚЛАРИНИНГ КЕНГАШИ ОЧИЛДИ

ҚОҲИРА, 25 февраль. (ТАСС). Бугун бу ерда республика саройида тўрт араб давлати бошлиқларининг — Миср президенти Носир, Сурия президенти Қуватли, Саудия Арабистони короли Сауд ва Иордания короли Ҳусаиннинг кенгаши очилди. Музокараларда тўрт мамлакатнинг бир қанча расмий шахслари ҳам қатнашмоқда.

ҚОҲИРА, 25 февраль. (ТАСС). Миср, Сурия, Саудия Арабистони ва Иордания давлатлари бошлиқларининг бугун биринчи мажлиси тамом бўлганидан кейин матбуотда эълон қилинмоқ учун топширилган ахборотда айтилишича, кенгаш қатнашчилари умуман ҳозирги халқаро аҳволни ва хусусан араблар проблемасини кўздан кечирганлар. Ахборотда айтилишича, бугунги учрашувда араб давлатлари бошлиқларининг шу йил 19 январда Қоҳирада бўлиб ўтган аввалги кенгашида муҳокама қилина бошлаган масалаларни муҳокама қилиш давом эттирилган. Бу муҳокамалар кейинги кенгашдан кейин содир бўлган воқиалар нуқтаи назаридан муҳокама қилинмоқда.

Давлатлар бошлиқларининг эндиги мажлиси 26 февралда бўлади.

БОЛГАРИЯ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАТАНИГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

СОФИЯ, 25 февраль. (ТАСС). Болгариянинг Министрлар Совети раиси Антон Югов бошчилигидаги Ҳукумат делегацияси Совет Иттифоқига дўстлик визитидан кейин, кеча ватанига қайтиб келди. Русе шаҳрида меҳнаткашларнинг 30 минг кишилик митинги бўлди. Митингда ҳукумат делегациясининг аъзоси Вилко Червенков сўзлади. У, Болгария ҳукумат делегацияси Совет Иттифоқида зўр шодлик ва самимият билан кутиб олинганлигини айтди ҳамда музокаралар вақтида Совет ҳукумати билан Болгария ҳукуматининг фикри тамомила бир хил эканлиги ва уларнинг якдиллигини уқтириб ўтди.

Вилко Червенков Совет Иттифоқининг Болгария Халқ Республикасига берадиган иқтисодий ёрдами жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Пировардида у айтдики, Болгария ва Совет ҳукумат делегациялари ҳамда партия делегацияларининг учрашувлари, улар ўртасидаги суҳбатлар ва музокаралар, биргаликда қабул қилинган Декларация ва Баёнот, шубҳасиз, болгар-совет ҳаётбахш дўстлигини янада мустаҳкамлашга катта ҳисса бўлиб қўшилади. Совет Иттифоқи билан Болгария ўртасида янада маҳкам ҳамкорлик бўлишига ҳамда Болгарияда социалистик қурилиш соҳасида янги муваффақиятларга эришилишига ёрдам этади. Улар социалистик лагерни мустаҳкамлаш ишига ва тинчлик учун кураш ишига ҳисса бўлиб қўшилади.

БОЛГАРИЯ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ СОФИЯГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

СОФИЯ, 25 февраль. (ТАСС). Дўстлик визити билан Совет Иттифоқига борган Министрлар Совети раиси Антон Югов бошлиқ Болгария ҳукумат делегацияси бугун Софияга қайтиб келди.

Делегацияни кузатиб олиш катта тантанага, болгар халқининг Совет Иттифоқига бўлган катта дўстлик туйғуларини кўрсатувчи намойишга айланди.

ЮГОСЛАВИЯ ИТТИФОҚ ХАЛҚ СКУПШИНАСИНИНГ СЕССИЯСИ

БЕЛГРАД, 25 февраль. (ТАСС). Бугун Белградда Югославия Иттифоқ Халқ скупшинасининг сессияси очилди. Иттифоқ вечеси ва ишлаб чиқарувчилар вечесининг алоҳида-алоҳида бўлган мажлисларида кун тартиби тасдиқланди. Скупшина депутатлари уй-жой қурилиши проблемасини, ташландиқ ерларни экспроприация қилиш ва ишга солиш тўғрисидаги қонун проектларини ҳамда халқ хўжалигида кадрлар тайёрламоқ учун фондлар ташкил қилиш тўғрисидаги қарор проектини муҳокама қиладилар.

ИНДОНЕЗИЯ ХАЛҚИ ЖИПСЛИГИНИНГ НАМОЙИШИ

ЖАКАРТА, 25 февраль. (ТАСС). Кеча Жакартада мамлакатда сиёсий вазиятни стабиллаштириш ва миллий бирликни мустаҳкамлашнинг президент Сукарно ишлаб чиққан программасини қўллаб-қувватлаш юзасидан пойтахт аҳолисининг кучли намойиши бўлди. Шаҳардаги ва шаҳар атрофидаги аҳолидан бир ярим миллионга яқин киши байроқлар, шиорлар ва транспарантлар кўтариб, уюшган колонналарга тизилиб, президент саройи олдидаги майдонга келди. Майдонда катта митинг бўлди.

Митинг қатнашчилари ўзлари қабул қилган ва президент Сукарнонга топширилган декларацияда президент Сукарнонинг программасини қатъий равишда қўллаб-қувватлаганликларини айтдилар ҳамда мамлакатдаги барча ватанпарварларни биргаликда ҳаракат қилиб, бу программани қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

Шундан кейин митинг қатнашчилари олдида президент Сукарно сўзга чиқиб, программанинг бажарилишига эришиш учун ҳаракат қилишга ваъда берди ва Индонезия халқининг кўпчилиги бу программани қўллаб-қувватлаётганлиги муносабати билан мамнуният билдирди.

КОРОЛЬ ИДРИС БИЛАН КОРОЛЬ САУДНИНГ МУЗОКАРАЛАРИ

ТАРОБЛИС, 25 февраль. (ТАСС). Бугун бу ерда Саудия Арабистони короли Сауд билан Ливия короли Идрис ўртасида бўлиб ўтган музокаралар тўғрисидаги ахборот эълон қилинди. Улар Яқин Шарқдаги сиёсий аҳволни ҳамда «арабларга доир турли проблемаларни» кўриб чиққанлар.

«Король Сауднинг АҚШ президенти Эйзенхауэр ва унинг ҳукумати билан олиб борган музокаралари» тўғрисидаги масала муҳокама қилинган.

Ҳар иккала король Жазоир халқининг эркинлик ва мустақиллик олиш тўғрисида қилаётган талабини қўллаб-қувватлаш зарурлиги тўғрисида «ҳамда Жазоир проблемасини бу халқнинг орзуларини рўёбга чиқаришни таъминлайдиган адолатли тинч йўл билан ҳал қилиш» тўғрисида тўла бир фикрга келганлар.

Ҳар иккала король Исроил қўшинлари Ғазо ва Шарм Ашшайх районларидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорларида талаб этилганидек тўла равишда ва ҳеч сўзсиз эвакуация қилинсин, деган талабни ғоят маъқуллаётганликларини билдирдилар. Пировардида айтилишича, ҳар иккала король Исроилнинг қўшни араб мамлакатларига тўхтовсиз қилаётган агрессиясига хотима бериш зарурлиги тўғрисида якдиллик билан бир фикрга келганлар.

Тошкентдаги «Красний печатник» клубининг бадиий ҳаваскорлари ёшлар ва студентларнинг VI Жаҳон фестивалига қизғин тайёрланмоқдалар. **Суратда:** (тепада) ёш ҳаваскорлар «Москва кадрили» танцасини ўрганмоқдалар.

Тошкент область Ижодий уйининг қўл ҳунар тўгараги аъзолари фестиваль қатнашчиларига атаб турли совғалар тайёрламоқдалар. **Суратда:** (чапда) қўл ҳунари тўгарагининг аъзолари рангли ипаклар билан кашта тикмоқдалар.

В. Володин ва Ф. Осипов фотолари.

Ёш ҳаваскорлар тайёрлаган спектакллар

Оҳангарон шаҳрининг Тешиктош посёлкасидаги 28-болалар уйи бадиий ҳаваскорлари ёшлар ва студентларнинг VI жаҳон фестивалига атаб қизиқарли программада томошалар тайёрламоқдалар. Бу ерда яқинда ташкил этилган драма ва қўғирчоқ театри тўгарак аъзоларининг ёшлар байрамига кўраётган тайёрлиги айниқса диққатга сазовордир.

Драма тўгарагига актив иштирок этаётган ҳаваскор ёш актёрлар янги спектакллар тайёрлашмоқда. Саҳнага қўйилган «Андрейнинг чексиз қувончи», «РВС» сингари спектакллар болалар уйи пионер ва ўқувчилари томонидан зўр қизиқиш билан томоша қилинмоқда.

Шу кунларда мазкур тўгарак аъзолари «Жануб разведкачилари» деган пьесани саҳналаштириш устида ижодий иш олиб бораётир. Спектакldаги бош ролларни ўқувчилардан Марина Чернова, Люба Лунева, Зорик Решетев ва бошқалар ўйнайдилар. Ўндан ортиқ ўқувчи иштирок этаётган қўғирчоқ театри тўгараги (раҳбари ўртоқ Деменко) олиб бораётган иш ҳам яхши йўлга қўйилган. Ҳозир тўгарак репертуарида «Олтин балиқ ҳақида эртак», «Қор маликаси», «Қизил гул» каби спектакллар бор.

А. АКБАРОВ.

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ ИЖОДИЙ УЙИДА

Область халқ ижодий уйи ҳузуридаги бадиий ҳаваскорлик тўгараклари аъзолари ўтган йили Ашула байрамида қатнашиб, рақс ва қўшиқларни яхши маҳорат билан ижро этганликлари учун Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлигини олишга муяссар бўлган эдилар.

Бу йил турли тўгарак аъзоларининг сони 915 кишига етди. Буларнинг 80 процента хотин-қизлардан иборат. Ижодиёт уйида халқ чолғу асбоблари оркестри, драма, рақс, хор, баян ва бичиш-тикиш тўгараклари мунтазам равишда ишлаб турибди. Бу тўгарак аъзолари ўзларининг энг яхши санъатларини Москвада ўтадиган жаҳон ёшлари ва студентлари фестивалида намойиш қиладилар. Драма тўгарагининг коллективи Аҳмаджон Юсупов раҳбарлигида драматург А. Қаҳҳорнинг «Оғриқ тишлар» комедиясини саҳнага қўйиш учун тайёрламоқда.

Халқ чолғу асбоблари оркестри тўгарагининг қатнашчилари «Тановор», «Роҳат», «Қаҳрамон қизлар», «Қайдан келдинг», «Азиз Ватаним», «Шодлик», «Ватан марши» каби бир қанча мелодияларни яхши ўзлаштириб олдилар.

С. УСМОНОВ.

ТАБИАТШУНОСЛАРНИНГ ФЕСТИВАЛГА СОВҒАСИ

Янгийўл шаҳридаги Тошкент область ёш табиатшунослар станцияси мактаб ўқувчиларининг севимли жойи бўлиб қолган. Ўқувчилар бу ердаги зоология, далачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, гулчилик, ипакчилик ва пахтачилик тўгараклариға мунтазам қатнаб турадилар.

Шу кунларда қишки-кўкламги ишларни бажариб қўйган пахтачилик тўгарагининг аъзолари тўгарак раҳбари Аъзам Қирғизбоев бошчилигида ёшларнинг VI жаҳон фестивалига юбориш учун «Пахтадан саноатда қандай маҳсулотлар ишланади?» деган катта стенд тайёрламоқдалар. Стендга пахтадан ишланадиган 50 га яқин турли маҳсулотлар қўйилади.

С. МУСАЕВ,
А. РАҲМАТОВ.

Редактор ўринбосари
М. КОРИЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/II да **Ҳамза**, 28/II да **Алишер Навоий**.

НОВИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/II да **Тоҳир ва Зуҳра**, 28/II да **Фра Дьяволо**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/II да **Зафар**, 28/II да **Муқимий**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Етти қувноқ» қизиқчилар группасининг гастроллари, чавандозлар, дорбозлар** ва бошқа номерлар. Томоша кеч соат 8 да бошланади.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» — кеч соат 5 гача ва кеч 11 да **Павел Корчагин**, кеч соат 5 дан кенг экранли **Пролог**.

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Мисс Менд** (1 ва 2-залда 3-серия, 3-залда 1 ва 2-серия).

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз **Павел Корчагин**, кечқурун **Кўк қоялар водиси**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — эрталаб соат 11 ярим, кеч 9 ва 10 яримда **Кўк қоялар водиси**, кундуз 12, 2 ва кеч 8 да **Павел Корчагин**, кундуз 4 ва кеч 6 да **Этери қўшиғи**.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

27, 28 февраль ва 1 мартда Ўзбекистон халқ ҳофизи **МАЪМУРЖОН УЗОҚОВ КОНЦЕРТЛАРИ**

Концертларда: Ўзбекистон халқ артисти **Муқаррама Турғунбоева**, Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган артистлар **Гавҳар Раҳимова, Муҳаммаджон Мирзаев**, артистлардан **Турсуной Маҳмудова, Муҳаббат Мусаева, Башорат Хўжаева, А. Тўйчиев, А. Муллахолов, А. Саидбаттолов, И. Тўраев**; «Баҳор» хотин-қизлар ансамбли қатнашади.

Концертлар кеч соат 9 да бошланади.

РЕСПУБЛИКА ВА ОБЛАСТЬ
Газета ва журналларига
1957 йилнинг 2-квартали учун
обуна қилиш давом этмоқда

Обуна «Союзпечать» бўлимларида, алоқа конторалари ва бўлимларида, Тошкент почтамтида (иш соатларида), «Союзпечать» Тошкент шаҳар бўлимида соат 9 дан 19 гача (дам олиш кунларида эса соат 9 дан 18 гача), фабрика, завод, колхоз, совхоз, МТС, ўқув юртлари ва муассасалардаги жамоат обуна вакиллари томонидан қабул қилинади.

Чангалзор мавзу, 4-уйда турувчи **Нуъмон Илҳомовнинг** Ҳамза кўчаси, 14-тупик, 57-уйда турувчи Меҳри Илҳомовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район 1-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р00955. «Қизил Ўзбекистон», «Правда», Востока» ва Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № 1749.